

KASB-HUNAR TA'LIMI

ISSN 2010-7498

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL

2019, №1



**«KELAJAK KASB-HUNAR KOLLEJLARI»
O'ZBEKISTONDA KASBIY TA'LIM QANDAY O'ZGARADI?**

OBUNA- 2019

“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga 2019 yil uchun obuna davom etmoqda

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.

Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.

Obuna Indeksi: 1090

Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochta” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.

Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.

Murojaat uchun telefonlar:

1. Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04.

Manzil: Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

Telefon: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru, ksbjurnal@inbox.uz

KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal
2019-yil, 1-son

Muassislar:

Kasb-hunar ta'limi markazi,
Kasb-hunar ta'limi tizimini innovatsion rivojlantirish,
pedagog kadrlarning malakasini oshirish va qayta
tayyorlash instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV

Bosh muharrir o'rinbosari: SH.QURBONOV

Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

B.B.SOBIROV, R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV,
F.X.RIZAYEV, H.SH.RAXMONOV,
SH.T.ERGASHEV, O'.D.XIDIROV,
O'.S.XUDAYBERDIYEV, X.F.MASUDOV,
A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV, A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dissertatsiyalar
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani
Universitet ko'chasi, 2-uy
Tel.: 71-246-30-26; 90-979-75-89;
94-677-90-32; 94-629-71-04.
E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri
kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar egasiga
qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: _____ 2019-yil. Bichimi
60x84 1/8
Bosma tabog'i 10. Adadi 870 nusxa.
Buyurtma
_____ nashriyotida tayyorlandi.

МУНДАРИЖА

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

М.Холмухамедов. "Келажак касб-хунар коллежлари" Ўзбекистонда
касбий таълим қандай ўзгаради? интервью2
Б.Собиров, И.Очилов, Ш.Мақсудова. Ўзбекистон иқтисодиётида дав-
лат-хусусий шерикчилиги масалалари4

ПСИХОЛОГИЯ

Г.Алимова. Оилада болалар мулоқотчанлигини оширишнинг педаго-
гик-психологик шарт-шароитлари11
Ш.Шарипова. Ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентли-
гини ривожлантиришда педагогик-психологик кузатувлар15

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ

Қ.Аллабердиева, Н.Шайзакова. Мактабгача таълим муассасалари тар-
бияланувчиларига экологик таълим беришда инновацион ёндашув20

ПЕДАГОГИКА

Д.Дадажонов. Проблемы преподавания иностранного языка в началь-
ном этапе обучения23
Ш.Акрамов, Р.Ибрагимов. Лингвистические принципы и приемы обу-
чения иностранному языку в неязыковом вузе26
Ш.Шарофаддинов. Касб-хунар таълими сифатини оширишда малака-
ли раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш муаммолари30
Р.Мўминов, У.Б.Абдиев, Б.Юлдошов. Физикада муқобил энергия ман-
баларига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш имкони-
ятларига доир педагогик тадқиқотлар34
Х.Қурбанов. Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларнинг касб маҳо-
ратини доимий равишда ошириб бориш бугунги замон талаби38
О.Парпиев. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни-
да педагогик фанларга ўйин шаклларини татбиқ этиш масалалари42
М.Закирова. Формирование креативного образования как основы раз-
вития личности45
Л.Акбарова. Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишда услу-
бий кенгашининг ўрни48

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Д.Бахриддинова, А.Жабборова. Современные информационные тех-
нологии в обучении иностранному языку50
О.Мамаражабов. Таълим тизимида ахборот технологияларидан фойда-
ланишнинг афзалликлари55

МЕТОДИКА

Н.Дмитрусенко. Слова, сочетания слов, грамматические не связанные с
членами предложения (вводные и вставные конструкции)60
М.Бердиева, Ш.Қодирова. Мактабгача таълим муассасаларида бола-
ларни интеллектуал ривожлантириш асосида касбга йўналтириш68
А.Холматов, С.Мейлиев, З.Амиров. Аниқ интегралларни ҳисоблаш .71
Л.Суванова. Физикани мактабда ва Олий техника таълим муассасала-
рида ўқитиш методларини таққослий таҳлили74

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ

С.Сиддиқова. Касб-хунар таълимида инновация: модулли ўқитиш ти-
зимини жорий этишнинг ички ва жаҳон меҳнат бозори талабларига жа-
воб берадиган мутахассислар тайёрлашдаги ўрни ва аҳамияти76
А.Қувондиқов. "Ўзбекистон Республикаси "Техник жиҳатдан тартибга
солиш тўғрисида"ги қонуни аҳамиятини ўрганиш" мавзусини иннова-
цион ўқитиш технологияси асосида жорий этиш80
Д.А.Умерова. Ўқув жараёни сифатини тубдан яхшилашда инновацион
технологияларнинг ўрни85
Д.А.Мустафоева. Малака ошириш тизимида инновацион педагогик фа-
олиятнинг назарий асослари88

КЕЛАЖАК КОЛЛЕЖЛАРИ

Э.О.Бабаев. Келажак касб-хунар коллежлари фаолиятида тадбиркорлик
.....92

ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Б.Бувабеков. Гидротехника объектларида ва қишлоқ хўжалигида чақ-
моқ энергиясидан фойдаланиш95

«КЕЛАЖАК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ» ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ ЎЗГАРАДИ?

Қуйида мавзу юзасидан “Kun.uz” мустақил интернет нашри мухбирининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Касб-ҳунар таълими маркази директори М.Холмухамедов билан суҳбати ҳавола қилинмоқда



Ўзбекистонда таълим йўналиши ўзгариб бормоқда, ислохотлар ҳам жуда кўп. Эндиликда таълим соҳасида қандай ўзгаришлар кутилмоқда? Ўқувчилар мактабни битиргандан сўнг касб-ҳунар коллежига бора оладими ва ўз карьерасини қура оладими?

Касб-ҳунар таълими фаолияти ислохотларида эътиборимизни тортган илк нарса – коллежга энди фақатгина онгини ўзгартиришга қодир инсонларгина келади ва таълим олади.

Таълим соҳасига алоқадор саволлар бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазири биринчи ўринбосари, Касб-ҳунар таълими маркази директори Холмухамедов Муродилла Махмудовичга юзландик.

– Касб-ҳунар таълими ўзи аслида нима? Биз уни қандай тушунишимиз керак?

– Илгари касб-ҳунар таълими деганда оддий дурадгорликни ўргатиш кабилар кўз олдимизга келарди. Касб-ҳунар таълими деганда унинг моҳиятини очиб бериш қийин, профессионал таълим деганда эса ҳақиқий профессионалларни тарбияловчи, оддийдан мураккабга қараб шакллантирувчи тизимни тушуниш мумкин бўлади.

Таълимнинг биринчи буюртмачиси ким? Албатта, иқтисодиёт. Иқтисодиётнинг ҳар бир лойиҳасини амалга ошириш учун асосий учта ресурс лозим бўлади: молиявий, моддий ва кадр ресурслари. Президентимиз бошлаб берган ислохотдан кейин таълимнинг янги кон-

цепцияси шакллантирила бошланди.

Мияда 6 млрд нейрон бор ва у 5 ёшга қадар шаклланади. Шунинг учун ҳам 5 ёшда индивидда илк дунёқараш шаклланади, 12 ёшда эса шахс шаклланади. Бунга қарама-қарши ўларок, мактабгача таълим бизда эътибордан четда қолиб кетган. Ундан кейинги меҳнат умумий ўрта таълим ҳар қанча пишиқ бўлганда ҳам пойдевор суст бўлганлиги учун кўзланган натижага эришиб бўлмаган. Индивиднинг 2-3 ёшида қилинадиган инвестиция кейин қилинадиган инвестициядан 10 чандон самаралироқ натижа беради. Шуни тушуниб етган ҳолда, мактабгача ва мактаб таълими борасида кучли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан кейинги босқич эса профессионал таълим.

БМТнинг касб-ҳунарни классификация қилувчи ҳужжати мавжуд. Унда профессионал таълимнинг ҳар бир босқичида ўрганиш керак бўлган кўникма ва малакалар белгиланган. Кўникма шакллангандан кейин амалга ошадиган функциялар классификацияланади. Биринчиси, стандарт амалиётни бажариш. Унга олти ойдан тўққиз ойгача бўлган таълим дастурлари белгиланади. Иккинчиси, мустақил равишда ҳужжатни ўқиб, уни амалга ошира олиш. Учинчиси, ҳолатни таҳлил қилиб, мустақил қарор қабул қила олиш ҳисобланади. Кейинги босқичда жамоада ишлаш кўникмаси шакллантирилади.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида меҳнат бозори ўрганилмоқда. Меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш назарда тутилмоқда.

– Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими амалда мавжуд. Келгусида бу таълим тизимининг қайси долзарб нуқталари ўзгариши, янгиланиши кутилмоқда?

– Ҳозирги ислохотларнинг асосий принципи – танқидий таҳлил. Танқидий таҳлил қиладиган бўлсак, касб-ҳунар таълимининг инсонлар ҳаёти, карьера қилиш йўналиши би-

лан номуносивлиги кўзга ташланади. Ўзини илм-фанга бағишлаб, олийгоҳга киришни мақсад қилганлар учун умумтаълим фанларини тўлиқ ўзлаштириш имкони ҳам мавжуд. Шу баробарда, профессионал таълимга ўзини бағишлаган, олий таълимни мақсад қилмаган, кичик бизнес очишни режалаштираётганлар учун ҳам таълим дастури мавжуд.

Касб-хунар таълими илгари фақатгина тўққизинчи синф битирувчилари учун мўлжалланган эди. Ҳарбий хизматга бориб келганлар ёки иккинчи мутахассисликни ўзлаштироқчи бўлганлар учун имконият мавжуд эмас эди.

Ҳозир белгилаб берилган тизим эса ҳамма учун очиқ, ихтиёрий ёшда ихтиёрий йўналиш бўйича таҳсил олиш мумкин. Меҳнат бозоридаги талаб, шунингдек, шахсий карьера бора-сидаги режаларнинг ўзгариши натижасида танлов имконияти мавжуд.

– Бу таълим тизими доирасидаги хизматлар одамларга қай тартибда таништирилади? Кимга пулли ва кимга бепул?

– ЮНЕСКО талаби бўйича 9 йиллик мажбурий таълим тавсия қилинади. Бизда эса 11 йиллик кафолатланган таълимга ўтилди. Маълум ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламлари учун бу таълим молиялаштириб берилади. Қолган ҳолларда молиялаштириш манбалари сифатида шахсий жамғармалар, таълим кредитлари, кадрга буюртмачи бўлган корхоналарнинг тўлови хизмат қилиши мумкин. Бу ҳам халқаро талабга мос, ҳам янгича ёндашув.

– Унинг давомийлиги, ўқитилиш шароитлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Олдинги таълим стандарти фақат уч йиллик бўлган. Қайси йўналиш бўлишидан қатъий назар. Ваҳоланки, тиббиёт йўналишида эгалланиши керак бўлган кўникма билан қурилиш соҳасида ўрганиладиган билимлар турлича муддатни талаб қилади.

Ҳозирда ўзлаштириладиган билимнинг ҳажмидан, кадр бажариши керак бўладиган меҳнат операциясининг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда ўқув муддати белгиланади. Касбий таълим, касбга ўргатиш босқичлари бўйича ўргатилади. Касбий таълимнинг ҳам бир неча босқичлари бор: бошланғич касб таълими, ўрта касб таълими, ўрта

махсус таълим, олий профессионал таълим.

Халқаро амалиётда қўшимча касб таълими ҳам ўргатилади. Шуларнинг барчаси профессионал кадрни тайёрлаш структурасини ташкил этади.

– Илгари касб-хунар таълимида мавжуд бўлган муаммоларга қандай ечимлар таклиф қилинмоқда? Мисол учун, ўқитувчи кўрғазмали ўқув қуролларисиз дарс ўта олмаслиги мумкин...

– Таълим жараёнини фақатгина аудиторияда, синф хонасида назарий билимларни ўқитиш, амалий кўникмаларни шакллантиришнинг эса назардан четда қолиб кетиши ҳам танқидга сабаб бўлган жиҳатлардан бири бўлди.

Ҳар қандай таълимнинг пировард натижаси рақобатбардош кадрнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Билим ва кўникма бир нуқтада бирлаштирилгандагина меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, ялпи ички маҳсулотнинг ортишига хизмат қиладиган кадр шаклланишига эришиш мумкин.

Илгариги коллежлардан қолган моддий-техник базадан олий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш кўзланмоқда. Меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, ҳар бир соҳа бўйича алоҳида вазирликка бириктириладиган коллежлар ҳам ишламоқда. Яна бири қишлоқ ҳудудларида ташкил этилаётган, Ўзбекистон учун янгилик ҳисобланган кластерларга кадр ресурсларини етказиб берувчи муассасалар.

Илгари коллеж фақат диплом беради деб танқид қилинарди. Билим, амалий кўникма, ҳар қандай янгиликни қабул қила олиш ва мослашиш қобилиятлари шакллантирилиши керак. Тан олиш керак, авваллари ўқув жараёни фақат синф хонасида назарий тушунтириш билан олиб бориладди. Ҳозир эса ўз соҳаси бўйича бевосита жараённинг ўзида иштирок этиб, кўникма ҳосил қилиш принципи етакчилик қилмоқда. Таълим технологияларининг янгича форматдаги авлодини жараёнга татбиқ қилиш масаласи ҳам кўрилмоқда.

Алишер Рўзиохунов суҳбатлашди

“Kun.uz”. 05.02.2019 й.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Б.СОБИРОВ

КХТТИРПКМО ва УҚТ институти директори, доценти, и.ф.н.,

И.ОЧИЛОВ

КХТТИРПКМО ва УҚТ институти доценти, и.ф.н.,

Ш.МАҚСУДОВА

КХТТИРПКМО ва УҚТ институти доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мақолада давлат-хусусий шерикчилиги ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги долзарблиги масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шунингдек, мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилигини йўлга қўйишнинг назарий жиҳатлари ривожланган чет мамлакатлар тажрибаси асосида таҳлил қилиниб, тегишли хулоса ва таклифлар тайёрланган.

Калит сўзлар: давлат, хусусий, шерик, ижара, конфессия, аффермаж, лизинг, риск, инвестиция.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы государственно-частного партнерства и его значение в экономики Узбекистана. А также анализируются теоретические аспекты создание государственно-частных партнерств наших стран на основе опыта развитых зарубежных стран и делаются соответствующие выводы и рекомендации.

Ключевые слова: государство, частность, партнерство, аренда, конфессия, аффермаж, лизинг, риск, инвестиции.

Annotation. This article examines the issues of public-private partnership and its importance in the economy of Uzbekistan. As well as analyzes the theoretical aspects of the creation of public-private partnerships in our country based on the experience of developed foreign countries and draws appropriate conclusions and recommendations.

Key words: state, private partnership, rent, denomination, affermage, leasing, risk, investment.

Давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) – ижтимоий аҳамиятли вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда ҳал этиш учун давлат ҳамда бизнеснинг ўрта ва узоқ муддатли ҳамкорлиги шакллари мажмуидир [1].

Ҳозиргача олимлар ва мутахассислар ўртасида давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қандай шакллари бўлиши мумкинлигига доир яқдил, назарий фикрлар мавжуд эмас. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, давлат ва бизнес ўртасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маданий, илм-фан ва ҳоказолар ҳамкорлиги ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат – хусусий шериклик моделлари жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга хусусий капитални мақсадли жалб этиш орқали минтақани ривожлантириш, жамият талабларини тўлароқ ва сифатлироқ қондириш, ижтимоий нафликни ошириш имкониятларини яратади.

Дунёда ДХШни қўллашнинг кенг тарқал-

ган, асосий йўналиши **автомобил йўллари-нинг қурилиши** ҳисобланади, қолган ДХШ ларнинг аксарияти **уй-жой коммунал** соҳасидаги лойиҳалардир. Россияда 1990 йиллардан бошлаб **сув таъминоти ва чиқиндиларни қайта ишлаш** соҳасидаги ДХШлар пайдо бўла бошлади [3].

Шундай экан, мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда давлат хусусий шерикчилигининг замонавий шакллари тадқиқ этиш, илмий изланишлар олиб бориш ва жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармоннинг 1.2 бандида “мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган

давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизларини жорий этиш” белгиланган [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 октябрь 2018 йилдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3980-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Агентлигини ташкил этилди, Агентлик давлат муассасаси шаклида ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади [7].

Д.М.Амунц 2005 йилда давлат-хусусий шериклик назарий ва амалий жиҳатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилган ва унинг турларига батафсил таърифлар келтирган [2].

Сергей Кашин дунёда ДХШни қўллашнинг кенг тарқалган турлари тўғрисида ўз илмий қарашларини баён этган ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни, самарадорлиги тўғрисида тадқиқотлари натижаларини эълон қилган [3].

Ҳозирги дунё мамлакатларида **ДХШнинг қуйидаги турлари** мавжуд:

Хизматларни қайта тузилмалаш – хусусий секторни давлат талаблари асосида жалб қилиш имкони бўлмаганда, давлат самарали бўлмаган хизматни ислоҳот қилиб қайта тузилмалаштиради.

Корпоратив бошқарув (акциялаштириш) – активлар ва мажбуриятларни, ходимларни ва амалга ошириладиган хизматларни корпорацияга ўтказиш. Бу “корпоратив бошқарув” деб аталади.

Марказлаштиришдан чиқариш – хизмат кўрсатиш самарали бўлмаган тақдирда марказлаштиришдан чиқарилган ҳолда, давлат ислоҳотлар ўтказилади. Бу ҳам ДХШ яратишга асос бўлиши мумкин.

Хизматларни қайта тузилмалаш – хусусий секторни давлат талаблари асосида жалб қилиш имкони бўлмаганда, давлат самарали бўлмаган хизматни ислоҳот қилиб қайта тузилмалаштиради.

Қурилиш ишлари ва хизмат кўрсатиш шартномалари – хизмат кўрсатадиган муассасалар, одатда, хусусий секторда ишлаб чиқарган товар ва хизматлар билан, эҳтиёт қисмлар ва қувурларни ёки кабелларни ётқизиш каби қурилиш ишларигача учинчи ташкилот томонидан таъминланадилар. Хизмат кўрсатувчи муассасалар муайян хизмат, масалан, миқозларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳам шартнома тузишлари мумкин.

“Бошқарув шартномалари” ва “Операцион ва техник хизмат” шартномалари – асосий кенг тарқалган хусусияти шундаки, бажарилган ишни тўловчи орган бир қатор ишларни бажаришга нисбатан қисқа муддатга (2 йилдан 5 йилгача) пудратчи ёллайди. Бошқарув шартномалари вазифаси ўзига хос характерга эга бўлиб, охири натижага қараганда кўпроқ кириш параметрларига йўналтирилгандир. Операцион ва техник хизмат шартномалари эса кўпроқ охирига натижага ёки ижро талабларига йўналтирилгандир.

Ижара (лизинг) / Аффермаж – ижара ва аффермаж шартномалари, одатда, давлат ва хусусий сектор ўртасида тузилиб, унга кўра хусусий оператор хизмат кўрсатиш муассасасини эксплуатация қилиш ва фойдаланиш учун масъулиятга эга бўлади ва инвестицияларни молиялаштиришга иштирок этмайди.

Ижара (лизинг) ҳолатида, тушумларнинг бир қисми ижара ҳақи сифатида мулк эгаси бўлган ҳокимият ёки бошқа ваколатли органга тўланади, қолган қисми оператор томонидан сақланади. Тўловлар аниқ белгиланган ва хизмат ҳажмидан боғлиқ бўлмайди.

Аффермаж ҳолатида, ижарачи тўловлардан ундириладиган қўшимча устамани инфратузилмага инвестиция киритган ёки киритадиган ҳокимият ёки бошқа ваколатли органга тўлайди. Тўловлар кўрсатилган хизмат ҳажмига нисбатан белгиланади (риск камаяди).

Имтиёзлар (Концессиялар), Қуриш-Фойдаланиш-Ўтказиш (ҚФЎ), Лойиҳалаш-Қуриш-Фойдаланиш (ЛҚФ) – лойиҳалари давлат-хусусий шериклигининг натижаларга қаратилган шакли ҳисобланади.

ҚФТ ва ЛҚФ лойиҳалари, одатда, акса-

рийат лойиҳалаш ва қурилиш ишларини ўзида мужассамлайди ҳамда узоқ муддатли операциялар, яъни бўш майдонда нолдан янги қурилиш (greenfield) ёки капитал таъмирлаш, реконструкция ва кенгайтириш лойиҳаларини (brownfield) ўз ичига олади.

Концессия концессионер учун барча хизмат активларидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқини беради. Концессионерга операциялар бўйича масъулиятдан бошлаб, айрим инвестицияларни амалга оширишгача бўлган вазифалар юклатилади ва активларга эгалик қилиш ваколатлари берилади, ваколатлар эса, одатда, йирик активларни алмаштиришга масъулдир. Активлар концессионер томонидан сотиб олинган активлар билан биргаликда, эгасига (маҳаллий ҳокимият ёки ҳукумат вакили) концессия муддати охирида қайтарилиб берилади. Концессияда концессионер, одатда, ўз даромадларининг катта қисмини истеъмолчилардан олади ва шунинг учун у истеъмолчи билан бевосита алоқага эга. Концессия барча инфратузилма тизимини қамраб олади (концессионер томонидан мавжуд активларни эгаллаб олиш ҳамда янги активларни қуриш ва фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин). Концессионер ҳокимиятга ёки ҳукумат вакилига, одатда, чекланган имтиёзли концессия ҳақини тўлайди ва қолган маблағни алмаштириш ва кенгайтиришга йўналтиради. Концессия фуқаролик ҳуқуқ мамлакатларида махсус термин ҳисобланади.

Давлат ва хусусий қўшма корхоналар – давлат ва хусусий сектор ўртасида қўшма корхонани корпоратив шаклда ташкил этиш, муайян мақсадда тузиладиган шериклик (ҳамкорлар ўртасида фойдани тақсимлаш келишуви асосида) – алоҳида юридик шахс яратилмайди, лекин ҳар бир ҳамкор лойиҳа учун тўлиқ юридик жавобгарликка эга бўлади.

Маълум бир лойиҳа устида биргаликда ишлаш бўйича томонларнинг консорциум келишуви шартномаси. Ҳар бир томон консорциумга тақдим этаётган аниқ хизматлари учун ҳақ олади ва алоҳида юридик шахс яратилмайди.

Тўлиқ хусусийлаштириш – тўлиқ тасаруфдан чиқариш, кўпинча хусусийлаштириш

номи билан таниш бўлиб, ҳукуматнинг хизмат корхонаси активларида ёки хизмат секторининг ўзидаги барча ҳуқуқ ва манфаатларини хусусий секторга топширилганда юзага келади.

Тугатилган ёки хусусийлаштирилган давлат хизмати хусусий тижорат корхонасидан шу билан фарқ қиладики, унда ҳукумат хусусийлаштирилган хизматни билвосита назорат қилишнинг ёки корхонага жамиятга хизмат кўрсатиш кафолатини берадиган лицензия тақдим этиш кўринишидаги мувофиқлаштириш механизмларини сақлаб қолади.

Тўлиқ хусусийлаштиришдан фарқли ўлароқ қисман хусусийлаштириш ва давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги қўшма корхона келишувларида ҳукуматнинг сезиларли манфаатлари сақлаб қолинади [2].

Европа Комиссияси маълумотларига кўра, “давлат-хусусий шериклик (ДХШ) келишувларидан атроф-муҳитни муҳофазалашдан тортиб, тиббий ёрдам кўрсатиш ва таълим хизматларигача кенг диапазондаги секторларда инфратузилма ва хизмат кўрсатишга мувофиқ қушимча ва тўлдирувчи восита сифатида фойдаланиш мумкинлигини англаб олиш ўсиб бормоқда. ДХШ давлат секторидан фойдаланиш учун эътироф этилган бир қатор афзалликларни тақдим этади. У бюджет танқислиги шароитида қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб қилиш, хусусий секторнинг харажатларни иқтисод қилиш ва аҳоли учун сифатни ошириш каби операциялар самарадорлигидан ҳамда инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш қобилиятидан максимал фойдаланишни ўз ичига олади.”

Investopedia сайтидаги маълумотга кўра, “давлат-хусусий шериклик” термини хусусий сектор компаниялари ва давлат муассасалари ўртасида жамиятга хизмат кўрсатадиган лойиҳани яқунлаш мақсадидаги бизнес-муносабат билан боғлиқ. Давлат-хусусий шериклик молиялаштириш, транспорт тармоқлари, истироҳат боғлари ва конференц-марказлар каби лойиҳаларни қуриш ва эксплуатация қилиш тадбирларида фойдаланилиши мумкин. Давлат-хусусий шериклик орқали лойиҳаларни молиялаштириш лойиҳани эртароқ яқунлаш

ёки биринчи ўринда амалга ошириш имкониятини беради”.

Фикримизча, ДХШ – давлат ва хусусий шерикларнинг ўзаро фойдали, узоқ муддатли ҳамкорлиги бўйича битим асосида хатарлар ва мажбуриятларни бўлиш ёки тақсимлашдир.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда ДХШнинг бир қатор **афзалликлари** мавжуд бўлиб, булар: инфратузилма билан таъминлашни жадаллаштириш; лойиҳаларнинг тезроқ амалга оширилиши; бутун лойиҳа харажатларини камайтириш; таваккалликнинг яхшироқ тақсимланиши; амалга оширишни яхшироқ рағбатлантириш; кўрсатиладиган хизмат сифатининг ошиши; қўшимча даромадларнинг шакллантирилиши; давлат бошқарувининг кенгайиши;

шу билан бирга, ДХШни шакллантиришдаги **риск ва тўсиқлар** ҳам йўқ эмас, булар: мураккаб тузилма ва ҳужжатлар мажмуаси; ташкил қилиш учун кўп вақт талаб этилиши; юқори бошланғич харажатлар; юқори даражадаги раҳбарларнинг аралашувини кўпроқ талаб этади; лойиҳани танлаш муҳимлиги; мажбуриятлар бажарилмаганда қийин ҳал қилиш; қонунчилик асосларига эҳтиёжнинг борлиги.

Молиялаштириш ва давлат томонидан қўлланилиши мумкин бўлган бошқа рағбатлантириш дастаклари:

а) бизнесга солиқлар ставкаси бўйича имтиёзлар бериш;

б) ДХШ доирасида таълим лойиҳаларини амалга ошириш учун бизнесга давлат бюджетидан субсидия ва субвенциялар бериш. Субсидия сифатида бюджет маблағлари юридик шахсга мақсадли харажатларни молиялаштиришга ҳисса қўшиш шarti билан тақдим этилади, субвенциялар сифатида эса бюджет маблағлари юридик шахсга маълум мақсадли харажатларни амалга ошириш учун қайтармаслик шarti билан берилади;

в) ДХШ шаклида яратилган юридик ташкилотдаги мулк улуши;

г) бюджет кредитлари (бюджет кредити – бюджет харажатларини молиялаштириш шакли бўлиб, юридик шахслар ёки бошқа бюд-

жетга қайтариб бериш ва қоплаш шартлари билан бериладиган пул маблағлари);

д) давлат кафолатлари (давлат томонидан ДХШ шаклидаги юридик шахсга учинчи томон олдидаги мажбуриятни тўлиқ бажариши тўғрисида ёзма равишда бериладиган кафолат);

е) инвестицион солиқ кредити (Инвестицион солиқ кредитида ДХШ шаклидаги юридик шахсга у томонидан етарли асослар келтирилган тақдирда кейинчалик босқичма-босқич кредитни ва фоизларини тўлаш шarti билан солиқ тўлаш муддатларини чўзиш ва ҳажмини қисқартириш имкониятлари берилади (хусусан, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, инновацион фаолиятни амалга ошириш, буюртма асосида таълим хизматини кўрсатиш муносабати билан);

ж) тижорат банклари томонидан таълим соҳасидаги ДХШ иштирокчиларига берилган кредит бўйича фоиз ставкаларини туширишни қоплаш;

з) таълим соҳасидаги ДХШ иштирокчиси бўлган тижорат ташкилотлари учун ер ва мулк солиғи, ижара тўлови ставкаларини тушириш;

и) ДХШ лойиҳасини амалга ошириш оқибатида олинган натижа маркетингига кўмаклашиш, ДХШ иштирокчилари учун имтиёзли реклама хизматларига имконият яратиш.

Бизнес томонидан қўлланиладиган молиялаштириш дастаклари:

а) муайян лойиҳани амалга оширишда ресурслар ажратишдан иборат бўлган тўғридан-тўғри молиялаштириш (инвестицион лойиҳага маблағ қўйиш, устав капиталини, янги қурилишни инвестициялаш, илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни молиялаштириш ва бошқалар);

б) билвосита молиялаштириш ижтимоий ва хайрия жамғармалари орқали таълим субъектларининг умумий эҳтиёжларини қондириш учун ресурсларни бирлаштириш билан тавсифланади.

Мисол сифатида таълим соҳасидаги ДХШда таълим муассасаси, давлат ва хусусий сектор ўртасида манфаатлар тақсимланиши таҳлил қилдик (жадвал).

**Таълим соҳасидаги ДХШда таълим муассасаси, давлат ва хусусий сектор
ўртасида манфаатлар тақсимоги**
Манба: муаллифлар томонидан тайёрланган.

Асосий шериклик шакллари	Ҳамкор томонлар	Шериклар мақсадлари		
		Таълим муассасаси	Давлат	Хусусий сектор
Оддий ҳамкорлик	Таълим муассасаси, давлат, хусусий сектор	Мулкдан биргаликда фойдаланиш самарадорлигини ошириш; Янги таълим дастурлари ишлаб чиқиш ва янги таълим хизматлари кўрсатиш; Касбий профилли дастурларни амалга оширишни таъминлаш; Таълим сифатини ошириш ва таълим олиш қулайлигини таъминлаш	Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; Таълим дастурларини амалга оширишни таъминлаш; Таълим дастурлари ва хизматлари турларини кенгайтириш; Таълим сифатини ошириш ва таълим олиш қулайлигини таъминлаш	Сифатли таълим хизматларига эга бўлиш ва таълим олиш қулайлиги (ўз вақтида малакали мутахассис тайёрланишига эришиш)
Концессия	Давлат ва хусусий сектор	Кўчмас мулк ҳолатини яхшилаш; Моддий –техника базасини яхшилаш; Таълим муассасасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш	Инвестициялар жалб этиш; Инвестицион рискларни камайтириш; Моддий –техника базасини яхшилаш; Кўчмас мулк ҳолатини яхшилаш ва ривожлантириш; Таълим сифатини ошириш ва таълим олиш қулайлигини таъминлаш	Концессион шартнома доирасида даромад олиш
Мақсадли капитал	Таълим муассасаси, давлат, хусусий сектор	Қўшимча молиявий маблағлар олиш; Узоқ муддатли доимий бюджетдан ташқари маблағлар манбаига эга бўлиш; Таълим муассасасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш; Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш	Ривожланиш дастурларини таъминлаш	Узоқ муддатга асосланган таълимни ривожлантириш; Қўйилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни кафолатлаш; Хайрия қилувчилар мақсадларини амалга ошириш

Таҳлилларимиз кўрсатмоқдаки, таълим соҳасида шериклик фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

а) давлат таълим муассасалари мулкни бошқариш. Давлат муассасасининг мулкни, шартномавий шаклларнинг биридан фойдаланган ҳолда (жумладан, жисмоний шахслар

билан), таълим муассасаси манфаатини кўзлаб бошқариш, жумладан, мавжуд мулкни модернизациялаш, ижарага бериш ва фойдаланиш;

б) таълим фаолиятини бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга йўналтирилган шериклик инвестицион

лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан бино ва иншоотларни қуриш, жиҳозлаш, шартнома асосида хўжалик фаолиятини олиб бориш (маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар), бу соҳада таъсисчилик фаолияти;

в) таълимнинг мазмуний компонентини бошқариш. Қўшма таълим дастурларини давлат ва нодавлат таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва компания мутахассислари билан амалга ошириш, биргаликда ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқиш, шериклик конференциялари, семинарлари, такдимотлари ўтказиш, педагоглар малакасини ошириш ҳамда амалий касбий таълим машғулотларини сифатини ошириш, ишлаб чиқариш билан интеграцияни кучайтириш мақсадида стажировкалар, кўчма машғулотлар ташкил қилиш. Турли таълим дастурларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоя ва муаммолар ечимига қаратилган наشريёт фаолияти. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширишга йўналтирилган таълим марказлари ёки корпоратив институтлар яратиш;

г) таълимни иқтисодий қўллаб-қувватлаш. Таълим муассасасининг капитал ва жорий харажатларини молиялаштириш, талабалар учун стипендиялар ажратиш, грант дастурларини ташкил қилиш ва молиялаштириш, таълим кредитларини ва таълим соҳасида фаолият юритаётганлар учун турли имтиёзли кредитларни жорий этиш, таълим муассасаси ходимлари учун нодавлат нафақа таъминотини ташкил этиш;

д) илмий-тадқиқот ва илмий-амалий фаолият. Шериклик асосида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни ташкил қилиш, молиялаштириш, технополис ва технопарклар яратиш, инновацион типдаги корхоналарни, венчур фондларини, бизнес-инкубаторлар, технологиялар трансфери марказларини шакллантириш (ташкिलий фаолият, таъсисчилик фаолияти, молиялаштириш).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар орасида давлат-хусусий ше-

рикчилиги ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги долзарблиги муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун энг муҳим бўлган масалалар қуйидагилар, деб ҳисоблаймиз:

1. ДХШ жавоб бериши зарур бўлган қуйидаги мезонлар белгиланиши лозим:

узоқ муддатли бўлиши; лойиҳалаштириш, ташкил этиш, реконструкция қилиш, ривожлантириш, бошқариш ва (ёки) ижтимоий инфратузилмани ва (ёки) давлат хизматлари кўрсатилишини қўллаб-қувватлашга оид бўлиши; хусусий сектор иштирок этишини ўз ичига олиши; хатарлар ва мажбуриятни давлат ва хусусий шериклар ўртасида бўлиши;

2. Мамлакатимизда ДХШ қўлланиладиган фаолият соҳаларига қуйидагилар киритилиши лозим: чиқиндиларни тўплаш, ишлов бериш, йўқотиш, утиллаштириш; таълим; соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият; туризм, маданият ва спорт; йўллар ва шосселар қуриш; жамоат транспорти; темир йўл транспорти; ҳаво транспорти; электр энергетикаси; қайта тикланадиган энергия манбалари; логистика парклари; индустриал парклар; сув таъминоти; қишлоқ хўжалиги; канализация тизими; ахборот тизимлари.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ДХШ иштирокида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича инобатга олиниши лозим бўлган ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– стандарт талаблари ва сифатга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирламчи хом-ашёнинг унга мувофиқлигини таъминлаш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш муддатлари бўйича бозор имкониятлари даражасидаги мутаносибликни таъминлаш;

– озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли саломатлиги ва улар эҳтиёжларига етарли даража мувофиқлигини таъминлаш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини нафақат истеъмолчилар талаблари, балки давлат сиёсати даражасида назорат қилиш, бу юзасидан самарали сифат менежментини ташкил этиш, сифат назорати бўйича янги тизимларни жорий этиш.

ОИЛАДА БОЛАЛАР МУЛОҚОТЧАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Г.АЛИМОВА

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси

Аннотация. Оилада болалар мулоқотчанлигини оширишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: мулоқот, педагогик коммуникация, талаффуз, сўзлашиш, коммуникатив, адекват.

Аннотация. Обсуждаются педагогические и психологические условия воспитания у детей диалога в семье и их роль в жизни человека.

Ключевые слова: общение, педагогическое общение, произношение, общение, коммуникативность, адекватность.

Annotation. The pedagogical and psychological conditions of raising the children's dialogue in the family and their role in human life are discussed in the article.

Key words: communication, pedagogical communication, pronunciation, communication, communicative, adequate.

Оила ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, кадриятлар такомил топадиган, ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори шаклланадиган маскандир.

Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлаб, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиш ҳамда фаолиятлари доираси кенгаяди, ўзаро алоқалари мазмунан бойиб боради, реал ҳаёт моҳиятини чуқурроқ англаш, яъни, фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини қуриш ҳолати рўй беради. Буларни амалга оширишда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“...Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот педагогик-психологик фанларнинг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади”¹.

Оила шароитида ота-оналарнинг ўз-

лари атрофдагилар билан ижобий мулоқот қила олиш кўникмаларига эга бўлишлари ҳамда фарзандларда ҳам жуда ёшлиқдан мулоқот маданияти сифатларининг шаклланиб боришига эътибор қаратишлари зарур.

Оилада болалар билан мулоқот деганда, кишиларнинг ўзаро мулоқотга киришиш тизими тушунилади, унинг асосий мазмуни ўзаро ахборот алмашиш, шахсни билиш, тарбиявий таъсир ўтказиш саналади. Ота-оналар бу жараёни ташкил этиши, фаоллаштирувчиси сифатида майдонга чиқиши, ва бошқариши лозим. Чунки болалар ҳаётда асосий андозани оилада, улардан оладилар. Мулоқотчанлик ҳам оилада шаклланиб, ривожланади.

Оиладаги мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти, ота-онанинг болалари билан фаол мулоқотга кириша олиши, тарбия жараёнида уларни билиши, ўрганиш калити ва тарбиявий фаолиятининг ижодий характери, бола шахсининг шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, тарбияда мақбул бўлган эмоционал муҳитни таъминловчи, жумладан, руҳий психологик тўсиқлар

¹ Холиков А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: Фан, 2010. 425 б.

пайдо бўлишининг олдини оладиган, болаларда ижтимоий-психологик жараёнларни тўғри йўлга солиб бошқаришни таъминлайдиган муҳим воситадир.

Оилада ота-оналар болалар билан мулоқот жараёнида мунтазам тарбиявий таъсир ўтказиш методлари билан ишлайди. Масалан: бирор-бир воқеа, ҳодисанинг моҳиятини тушунтиришда, болага у томонидан содир этилган бирор-бир нотўғри хатти-ҳаракат учун дашном беришда. Ушбу вазиятда ота-оналар, аввало, нималарга эътибор бериши керак: биринчидан, вазият таҳлил қилинади; иккинчидан, мураккаб вазиятдан чиқишнинг мумкин бўлган вариантлари сараланади, учинчидан, ушбу фаолият, одатда тезкор амалга оширилади (бунда ҳам педагогик коммуникациянинг ўзига хослиги намоён бўлади) ва оптимал методлар танланади, фақат шундан кейингина педагогик таъсир ташкил қилинади. Бироқ, ҳали танланган таъсир методига адекват бўлган, у орқали педагогик таъсир амалга ошириладиган мулоқот тизимини топишимиз керак. Яъни, маълум бир мақсадга қаратилган умумий педагогик вазифани ҳал этгандан сўнг, таъсир методини танлаб бевосита таъсирни ташкил қилиш учун асосий вазифа сифатида коммуникатив вазифа белгиланиши керак.

Оиладаги тарбиявий жараён ўзига хос хусусиятга эга. Бола ота-онанинг хатти-ҳаракатларини тақлид қилиш орқали ўрганади, улар айтган сўзларни такрорлайди. Демак, ота-она бола шахси шаклланиши учун идеал тарбиячи бўлиши лозим. Оиладаги тарбиявий жараён, аввало бола билан ота-она ўртасидаги доимий мулоқот жараёнига боғлиқ бўлади. Хўш, биз бола билан мулоқотга қанча вақт ажрата олаёмиз? Бир сутка мобайнида бир соат вақт ажратсак, бу, албатта яхши. Аммо, тадқиқотларнинг кўрсатишича, ота-она ва бола ўртасидаги мулоқот жуда оз вақтни ташкил қилар экан. Шундан асосий дақиқаларни

она эгаллайди. Бу вақтнинг асосий қисми эса ”қорнинг очми?”, нима единг?”, “қаерга кетаяпсан” каби саволларга жавоб олиш учун сарфланар экан. Бола савол берса, айрим ҳолларда жавоб беришга ҳам қийналамиз. Ҳозир бандман, кейинроқ гаплашайлик, чарчаганман деган гаплар билан уни ўзимиздан йироқ қиламиз. Турли ёшдаги фарзандларда у ёки бу муаммо бўлишини биз катталар билишимиз, унга вақт ажрата олишимиз кераклиги, фақатгина моддий ғамхўрлик қилишнинг ўзи болага, унинг тарбияси учун, мулоқотчанлиги шаклланиши учун етарли эмаслигини тушунишимиз керак.

Бола бераётган ҳар бир саволни диққат билан тинглашимиз, иложи борича унга тўғри жавоб беришга интилишимиз, боланинг кундалик режалари, орзу ва истаклари тўғрисида суҳбатлашимиз, лозим жойда уни тўғри йўналтира билишимиз лозим. Бизнинг бу ҳаракатларимиз эртанги кунимиз учун хизмат қилади.

Маълумки, 2 ёш билан 5-6 ёш ўртасида боланинг нутқи тез ўса бошлайди ва сўз бойлиги 3-4 мингга ета олади. Бола кўрган, эшитган нарсалари тўғрисида кўп савол беради, янги сўз ва тушунчаларни эгаллай бошлайди. Бунинг учун болага тўғри тарбия бериш, у билан сўзлашиш, сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, эртақлар гапириб бериш, китоблар ўқиб эшитириш лозим. Бола нутқ қобилиятига эга бўлса, мулоқотга тез киришади, ўз фикр ва мақсадини бошқаларга мукамал ва аниқ етказиб бера олади.

Шу билан бирга мулоқот жараёнида тўғри ва одобли муомалани, яъни суҳбат вақтида жуда ҳам баланд овоз билан, шошилиб гапирмаслик, сўзларни аниқ талаффуз қилиш, бир гапни такрорламаслик, бошқанинг гапини қайтаравермаслик каби биларга ўрганиб боради.

Бундан ташқари, тинглаш маданиятини шакллантириш айти пайтда қийин кеча-

япти. Агарда бола ўз ота-онасини тинглай олса ва айтганларига амал қилса, унинг тарбияси ёмон бўлиши мумкин эмас. Болага саломлашиш одобидан тортиб тинглаш маданиятигача ўргатиб бормасак кейин бу қусурни тўғирлаш бир мунча қийин кечади.

Баъзи оилаларда ота-оналардан олдин фарзандлар гапиради. Ота-онаси катталар билан гаплашаётган бўлса, луқма ташлаб туради. Баъзилар ота-онасининг имо-ишорасидан дилидагини илғайди. Дилидагини нигоҳлардан илғай билиш учун ҳам тинглай билиш керак.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А.Шопенгауер “Одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг” деб ёзган эди. Агар биз суҳбатдошимизни диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас. Тинглаш жараёнининг аҳамияти шундаки, у мулоқотнинг самарали бўлишида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади.

Тинглаш санъати юксак бўлган халқ маданиятлидир. Бунинг учун эса биз фарзандларимизда мулоқот маданияти билан бирга тинглай билиш санъати юқори бўлишини шакллантиришимиз муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, мулоқот оила шароитида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, ўзаро ахборот алмашиш, ҳиссий кечинмаларни баён қилиш воситаси саналади. Оила аъзоларининг барча муносабатлари бевосита ёки билвосита мулоқот ёрдамида амалга оширилади. Психологик нуқтаи назардан эса мулоқот катта тарбиявий таъсирга эга. Шу сабабли ота-она ва фарзандлар, умуман олганда, оиланинг

барча аъзолари ўртасида ташкил этиладиган мулоқотнинг ижобий аҳамият касб этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада асосий масъулият, шубҳасиз, ота-онанинг зиммасига юклатилади. Ота-оналарнинг ўзлари самарали мулоқот қилиш услубларини ўзлаштирган ҳолда фарзандларга ҳам шахслараро муносабатлар жараёнида ушбу воситадан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўникмаларини тарбиялаб боришлари лозим.

Ўтилган мавзунини такрорлаш учун қуйидаги амалий машғулотдан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ушбу матн билан танишиб чиқинг ва унинг мазмунини таҳлил қилинг.

Субъектлар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида мулоқот (коммуникатив алоқа) чоғида шахслараро муносабатлар юзага келади, намоён бўлади ва шаклланади. Коммуникатив алоқа шахслараро муносабатлар чоғида уларнинг фикрлари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари ва бошқаларнинг алмашилишини назарда тутади. Бундай алоқа яхлит ҳолда коммуникатив фаоллик, мулоқот чоғидаги ҳиссий таъсирланиш, ўз-ўзига бўлган коммуникатив ишонч, коммуникатив объектлар каби элементларни аниқлайди. Шахслараро муносабатлардаги мулоқотнинг асосий манбалари – бу суҳбатдошларнинг тажрибалари, тафаккурлари, ҳаётий ёндашувлари, эътиқодлари ҳамда махсус илмий методларни ўзлаштира олганликлари саналади. Коммуникативлик асосида ички (бир) овозли коммуникациядан икки овозли коммуникацияга ўтиш ётади².

2. Кичик гуруҳларда “Такдимот” стратегияси асосида қуйида берилган мулоқот турларининг оила тарбиясидаги аҳамиятини ёритинг.

А. Ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулоқот.

² Общение и виды общения // <http://perevodovedcheskiy.academic.ru>.

ИХТИСОСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК КУЗАТУВЛАР

Ш.ШАРИПОВА

Бухоро МТИ таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақола ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик кузатувнинг мақсади, аҳамияти ва асосий йўналишлари баён этилган.

Калит сўзлар: ўқитувчининг касбий компетентлиги, психологик профилактика, ривожлантирувчи психологик диагностика, психологик мақсад.

Аннотация. В данной статье описаны задачи, сущность и основные направления психолого-педагогического сопровождения развития профессиональной компетентности педагога специальных дисциплин.

Ключевые слова: профессиональная компетентность преподавателя, психологическая профилактика, развивающая психологическая диагностика, психологическая цель.

Annotation. This article describes the tasks, nature and main directions of psychological and pedagogical support of the development of professional competence of a teacher of special disciplines.

Key words: professional competence of the teacher, psychological prevention, developing psychological diagnostics, psychological goal.

Олий таълим мусассасаларидан ихтисослик фанларини ўқитиш сифатини таъминлашда педагогнинг руҳий ҳолати муҳим рол ўйнайди. Тайёрланаётган мутахассиснинг касбий билим, кўникма ва малакаси асосан ихтисослик фанларини ўқитиш сифатига боғлиқ бўлади. Ихтисослик фани ўқитувчисининг нафақат педагогик маҳорати балки талабаларнинг руҳий ҳолати ҳам таълим жараёнида муҳим рол ўйнайди. Бир томондан ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар доирасида педагогик-психологик кузатувлар олиб боришга ҳам эътибор қаратдик. Ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик кузатувларни ташкил этишнинг мазмуни ва ўзига хослигини аниқлашда бир қатор вазифаларни бажаришни талаб этади.

Биринчидан, ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантиришда, ҳозирги вақтда таълимда ҳосил бўлган кузатувларни таҳлил қилишни педагогик-психологик кузатувларни мақсадини аниқлашга тўғри келади.

Иккинчидан, ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик кузатувларни йўналишини аниқлаш

ва ажратиш керак. Бу вазифаларни бажариш касбий компетентликни ривожлантириш жараёнидаги педагогик-психологик кузатувларни таҳлил этишда, муаммоларга назарий ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик кузатувларнинг мазмуни кўриб чиқишда педагогик-психологик кузатув тизимининг таҳлилин, назариясини ва амалий жиҳатларини кўриб чиқишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида кузатув ўқув жараёнини кузатиш орқали амалга оширилади. Бундай ёндашувда педагогик-психологик кузатувнинг объекти-таълим жараёни ҳисобланади, предмети эса- талабанинг атрофдагилар ва ўз-ўзи билан муносабатлари тизимининг ривожланиши ҳолатидир. Бизнингча педагогик-психологик кузатув тизимини ҳосил қилиш учун қуйидаги тамойилларга таяниш керак: талабанинг ўқишга бўлган қизиқишларини сақлаш тамойили; узлуксизлик тамойили (таълим фаолиятининг барча босқичларида талабага узлуксиз кузатув ва юзага келадиган муаммоларни ечиш кафолатлаш); кузатувнинг тизимлилиги тамойили (талабага ёрдам бериш бўйича асосий топшириқ ва тадбирларни

аниқлашда, нафақат унинг муаммоли, балки унинг кучли тарафларини маълум қилишга имкон берувчи мажмуавий ва сифатли ташхисга асосланади.

Таълим жараёнида педагогик-психологик кузатувни ўтказишнинг мақсади-ўқитувчи ва талабанинг дарс жараёнидаги ҳолатини ўрганиш ва уларга ёрдам беришдир. Буларга қуйидагилар киради:

- талабани дарс жараёнида пайдо бўладиган муаммолардан огоҳлантириш;
- талабанинг ўрганиш ва турли топшириқларини бажариш жараёнида уларга ёрдам бериш :
- ўқиш қийинчиликларини енгишда кўмаклашиш (таълимий ва касбий амалларни бажаришдаги фаолиятда муаммолар, эмоционал муҳитнинг бузилиши, тенгдошлари билан ўзаро муносабатдаги муаммолар, ўқитувчилар билан муаммолари);
- таълим сифатини ошириш;
- ўқитувчиларнинг педагогик-психологик компетентлигини ривожлантириш.

Асосий урғу талабларнинг ўз-ўзини ривожлантириши, амалий фаолиятни бажаришда мустақил ҳаракатланиши, ўзаро таъсир шароитини яратиш ва уларни ўзаро таъсир жараёнига жалб этишга берилган.

Хорижий мамлакатлар психологиясида кузатувнинг роли ҳақида кўпгина тадқиқотчилар томонидан фикрлар билдирилган. Масалан, А.Адлер, педагогни қўллаб қувватлаш, ундаги камчиликларни бартараф этиш учун кузатувга диққат қилиш кераклигига урғу берган [1].

А.Маслоунинг фикри бўйича, руҳий соғлом инсонни қувватлашга урғу бериш кераклигини, чунки ҳар бир инсон табиатан аввалдан кучли ривожланиш потенциалига эгадир. Шунинг учун руҳий кузатув инсоннинг етакчи руҳий талабларидан бири ҳисобланади.[5].

Ҳозирги вақтда психологияда педагогик-психологик кузатувни таърифлаш учун бир нечта фикрлар мавжуд. Масалан, бир қатор муаллифлар кузатувни, ҳаётдаги танловларда оптимал қарорларни қабул қилишга асосланган усул сифатида таърифлашган.

Инсон субъект ҳисобланади, ҳаёт танлови ҳолатларига эса муаммоли вазиятлар киради ва

улар орқали у ўзининг ҳаёт йўлини аниқлайди.

Шу билан боғлиқ ҳолда кузатув субъектга ривожланишга йўналтирилган майдонини шакллантириш учун, у ҳаракатланадиган жойга жавобгарлигига ёрдам сифатида аниқланади, унинг асосий тамоили сифатида субъектнинг ички потенциалига устивор таяниш чиқади [4].

М.Р.Бритянованинг илмий ишларида бир қанча бошқа фикрлар кузатилади. Муаллиф кузатувни ишлаш усули деб таъкидлайди, унинг ёрдамида таълим ва ривожланишнинг мувоффақиятли ижтимоий-руҳий ва руҳий-педагогик шароити ҳосил қилинади ва ташкил этилади[2].

Психолог фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида ва унинг ҳолатларнинг вазифаларига мувофиқ келадиган психологик кузатув аниқ мазмуни, шакли ва иш услублари Р.В.Овчарованинг ишларида ёритилган [6].

Э.Ф.Зееранинг ишларида бошқача ёндашув позиция кузатилади. Муаллиф – психолог кузатув тушунчаси остида ўзгараётган шахс билан биргаликда ҳаракатланишни тушунади, ривожланишнинг, ёрдамнинг ва қувватлашнинг имконли йўллари ўз вақтида аниқлашни тушунади [3]. Бу қоида олиб борилаётган тадқиқот доирасидаги асосий қоида сифатида олинган ва педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг руҳий-педагогик кузатувининг назарий-услубий асосини шакллантиришга имкон берган.

Педагогик-психологик кузатувининг объекти таълим жараёни ҳисобланиб, фаолиятнинг предмети эса педагогнинг ривожланиш муҳити ҳисобланади, қайсиқим унинг дунё билан, атрофдаги инсонлар ва ўз-ўзи билан муносабати каби тасвирлангандир.

Кузатув технологияларининг хусусияти, уларнинг очилишидаги йўналтирилганлик ва ўқитувчининг индивидуал ривожланиши, фаоллашуви ва уларнинг потенциалининг амалга оширилиши, таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг муносабатларини оптималлаштиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар томонидан педагогик-психологик кузатув жараёнини бир неча босқичларда амалга ошириш лозимлиги,

кузатувнинг концептуал асосларини ва педагогик-психологик қўллашнинг дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек кузатувнинг руҳий-технологиясини лойиҳалаштириш кераклиги аниқланган.

Педагогик-психологик кузатув концепциясини ишлаб чиққанда биринчидан феноменларни ва руҳиятни ўрганишдан бошлаб, ривожланишнинг келажакни баҳолашга ва бу жараёни индивидуаллаштириш имконини берувчи ўз-ўзини англаш, субъектнинг нормал ривожланиши тамойилларини инобатга олиш лозим.

Иккинчидан таъсир этиш усулларидан қарор қабул қилиш имкониятининг тенглигини тасвирловчи қувватлаш ва қизиқиш уйғотиш системасига ўтилиши керак.

Кейинги концептуал ҳолат унинг восита ва усулларини ишланмаси учун асосларни ажратишга таянади. Асос сифатида шахсни шакллантириш, махсус ташкил этилган таълим муҳити шароитларида ўзини ривожлантириш қонуниятлари қонун ва механизмлари олдинги ўринга чиқиши мумкин.

Бизнинг фикримизча педагогик-психологик кузатувнинг асосий йўналишларига психологик профилактика, ривожланаётган психодиагностика, психологик маслаҳат бериш, психологик коррекция, психотерапея, педагогик фан ва таълими киради.

Ўз-ўзини юзага чиқаришга эҳтиёж биринчидан, модуль ёрдамида доимо муваффақиятли ўқиш имкони билан, иккинчидан эса, ижодий фаолият ва ностандарт топшириқларни танлаш эркинлиги билан қондирилади.

Модулли технологияни амалга оширишда бир фаолият туридан (назарий билимларни олиш) иккинчисига (касбий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш) босқичма-босқич ҳамда мазмунан ўтиш рўй беради. Бундай ўтишни амалга оширишнинг воситалари бўлиб ўқитишнинг фаол усуллари (муаммоли маърузалар, ишбилармонлик ва ролли ўйинлар, вазиятли машқлар, мунозарали маърузалар, фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш ва шу кабилар) саналади.

Модулли дастурлар асосида олинган касбий тайёргарлик ишлаб чиқариш муҳитининг талабларига аниқ мос келади, бу битирувчиларнинг ишга жойлашишлари ҳамда эгалланган иш жойида мустақамланиб олиш имконини оширади.

Ўқитиш ишлари амалиётида фанлараро алоқадорликни амалга оширишнинг турли хил шакл ва усулларидан фойдаланилади. Уларни танлаб олиш турли омиллар – ўқув мавзусининг мазмуни, машғулот мақсадлари, фанлараро алоқадорлик хиллари, ўқитувчининг касбий маҳорати ва тажрибаси, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва бошқалар билан белгиланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, фанлараро алоқадорликни амалга ошириш учун ўқувчиларни мустақил ижодий ишлашга ундаш, уларда илгари олинган билимларни янги далиллар, тушунчалар, ходисалар, жараёнлар, қонуниятларни тушунтириш

ва мустақил таҳлил қила олишда қўллаш маҳоратининг ишлаб чиқилиши катта ўрин эгаллайди. Бу маҳоратлар фанлараро хусусиятга эга бўлган амалий вазиятларнинг мазмунида киритилади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни назарий ва амалий тайёргарлигига қаратилган фанлараро мазмундаги ўқитишнинг ташкилий шакллари орасида семинар ёки амалий машғулотни ажратиб кўрсатиш мумкин. Дидактик талаблардан бири бўлиб ўқитишдаги изчиллик (билим ва маҳорат, илмий дунёқарашнинг шаклланиши мақсадларида фан ички ва фанлараро алоқадорликлар асосида мазкур семинарнинг олдин ўтилган машғулотлар ва маърузалар билан алоқаси) ҳисобланади.

Ташкил этилиши бўйича машғулотлар қуйидаги хилларга бўлинади:

1. Янги билимларни ўзлаштириш – маъруза, эвристик суҳбат, тадқиқотчилик хусусиятидаги мустақил иш;

2. Маҳорат ва кўникмаларнинг шаклланиши – машқлар, амалий иш, саёҳат, семинар, ишбилармонлик ўйини, танловлар ва бошқалар;

3. Билим, кўникма ва малакаларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича машғулотлар – конференция, диспут;

4. Билимларни назорат қилиш ва тўғрилаш бўйича – синов, назорат иши, тест топшириқлари.

Кўпчилик ўқув муассасалари фанлараро хусусиятга эга бўлган билимларни назорат кесимини ўтказадилар.

Дарсдан ташқари вақтда фанлараро алоқадорликни амалга ошириш шакллари бўлиб конференция, саёҳатлар, танловлар, ишбилармонлик ўйинларини ўтказиш ва бошқалар ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, назарий ўқитиш машғулотларида фанлараро алоқадорликни амалга оширишда эвристик, диалогли ва тадқиқотчилик кўринишларида-

ги усуллар ҳам қўлланилади. Фанлараро алоқадорлик кечиккан жойда алгоритмик, монологли ва кўргазмали усуллардан фойдаланилади. Дастурли ва ғоявий усуллар кўпинча мавзун мустаҳкамлашда қўлланилади.

Ҳозирги кунларда интеграциялашган машғулотлар айниқса долзарб бўлиб қолди. Интеграциялашган машғулот турли фан ўқитувчилари фаолиятини бирлаштириб, ўқув жараёнини сезиларли равишда фаоллаштириш ва кўргазмали фанлараро алоқадорликларни ўрнатишга ёрдам беради.

Мажмуавий интеграциялашган машғулот – бу ўз навбатида интеграциялашган билимларга асосланган ўқув фанларининг интеграциялашуви асосидаги машғулотдир. Лекин интеграция – бу турли ўқув фанлари ва фаолият турларида олинган тайёргарлик назарий ва амалий элементларининг бирлашуви бўлиб, бу ўқувчиларга хўжалик юритишнинг янги шароитларида меҳнатга мослашишга ёрдам беради. Айтиш мумкинки, интеграциялашган машғулот касбий фаолиятни моделлаштиради. Назарий ва амалий тайёргарликнинг яхлитлиги, фанлараро жиҳатларни ёритиш ўқув ишларини ишлаб чиқариш билан яқинлаштиради.

Мазмунига кўра мажмуавий интеграциялашган машғулотлар ички циклли ва циклллараро интеграцияларга мансуб бўлиши мумкин.

Мажмуавий машғулотлар ўқувчилар мустақиллигининг юқори даражасига эришиш имконини беради.

Ўқитишнинг фаол усулларида бири сифатида мажмуавий машғулотлар ўқувчиларда қуйидаги ижобий ишбилармонлик сифатлари шаклланишига ёрдам беради:

- барча учун умумий бўлган масалани ҳал қилиш билан машғул бўлган гуруҳ

ичида тезда мослашиш қобилияти;

- шахсий мулоқот ўрната олиш, ахборот алмаша олиш ва зарур нуқтаи-назарларни шакллантира олиш маҳорати;
- ўз ҳаракатларини таҳлил қила олиш ва баҳолай олиш маҳорати;
- ғоялар ва таклифларни олға сура олиш ҳамда тавсифлай олиш қобилияти;
- фикрларни аниқ ва ишонарли талқин қила олиш қобилияти, камсўз, лекин тушунарли бўлиш ва шу қабилар.

Интеграциялашган машғулотни қандай тайёрлаш ва ўтказиш лозим?

Бу масала бўйича педагогик адабиётларда жуда кам диққат қаратилган, бунда асосий урғу фан ўқитувчилари томонидан интеграциялашган машғулотларни ўтказиш бўйича тўпланган тажрибага берилади. Бу ерда асосийси – фан ўқитувчиларининг ўзларининг ижодкорлиги, ўқитишнинг ностандарт технологияларини топишдадир.

Асосий жиҳатларга тўхталамиз:

1. Интеграциялашган машғулотда касбий ўқитишнинг етакчи дидактик воситаси бўлиб фанлараро алоқадорликлар саналади, улар касбий фаолият назарий ва амалий компонентларининг бир бутунлигини ёритишга йўналтирилгандир;

2. Мажмуавий интеграциялашган машғулотни ўтказишда алоҳида аҳамиятга турли ўқув фанларидаги бир-биридан айрича ҳолда бўлган билимлар ва маҳоратни бир бутун касбий фаолиятга ўтказишга ёрдам берувчи усуллар эгадир.

Бундан келиб чиқиб, интеграциялашган мажмуавий машғулот қуйидаги турли шаклларда ўтказилиши мумкин:

- мажмуавий ўқув-ишлаб чиқариш масалалари ва вазиятларининг ечимини топиш – амалий машғулотлар;
- ностандарт машғулотлар – ишбилармонлик ўйинлари, танловлар, ишлаб чиқаришдаги машғулотлар, кўргазма-

- лар, тақдимотлар, саёҳатлар;
- ўқув амалиёти бўйича машғулотлар;
- компьютер технологияларини қўллаш асосдаги машғулотлар.

2. Мажмуавий интеграциялашган машғулотларнинг турларидан бири бўлиб бинар машғулот саналади. Бинар машғулот икки фан ўқитувчиси ҳамкорлигида ўтказилади. Бу ерда алоҳида аҳамиятга фан ўқитувчиларининг бир-бири билан ўзаро ҳаракати эга бўлади. Фан ўқитувчилари ўқув мавзусининг қандай ҳажмини машғулотда бериш, машғулотнинг ҳар бир босқичларида ўқувчилар ўқув фаолиятининг қандай шакл ва усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида ўйлаб олишлари зарур бўлади.

Интеграциялашган машғулот методикасини кўриб чиқамиз.

Машғулотга тайёрланишда ўқитувчиларнинг ҳар бири ўқув мавзусининг дидактик таҳлилини амалга оширади. Компонентли, техник-технологик, ташкилий-иқтисодий, психологик таҳлиллар ва тарбиявий аҳамиятлилик таҳлилини ўқув мавзуси юзасидан ўтказиб, ўқитувчи:

- машғулот мақсадини аниқлайди ва вазифаларини белгилайди, назарий ва ишлаб чиқариш ўқувининг алоқадорликлари турлари ва хилларини (ҳаракатларнинг қандай усуллари ва услубларини ишлаб чиқиш керак, ўқувчиларда қандай кўникма ва маҳоратни шакллантириш лозим кабилар) белгилайди, машғулотнинг ўқув-ишлаб чиқариш асосини аниқлайди;

- мавзуларни танлаб олади, ўқув-ишлаб чиқариш вазиятларининг ҳажми ва мураккаблигини аниқлайди;

- ўқитиш ва машқлар усуллариини танлаб олади, ўқувчилар мустақил ишлари турлари ва хилларини аниқлайди, суҳбатларни ўтказишдаги саволларни, уларнинг ечимлари услубини белгилайди, муаммоли вазиятларни яратиш учун саволлар ва машқларни шакллантиради;

- ўқувчилар учун индивидуал мустақил машқларнинг мумкин бўлган хилларини ўйлаб чиқади;

- уй вазифаси учун мавзуларни тайёрлайди ва унинг ҳажми ҳамда хусусиятларини аниқлайди;

- кейинги машғулот учун машқларни ўйлаб чиқади.

Ўқув мавзусининг мана шундай ҳар томонлама таҳлили ўқитувчиларга машғулотни тўғри режалаштириш ва ўтказишга хизмат қилади.

Ўйин технологияларининг қўлланилиши ўқув жараёнини фаоллаштиради, ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга рағбатлантиради, ўрганилаётган мавзуга қизиқишни оширади. Бу барча фанлар, айниқса, махсус фанлар учун жуда долзарбдир. Ўқув жараёнида ўйин технологиясининг ўрни ва аҳамиятининг белгиланиши педагогик ўйинларнинг функциялари, мақсадлари ва вазифалари ўқитувчи томонидан қанчалик тушуниб етилганлигига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хасанов А.А. Ахборот технологиялари воситасида иқтисодий билим беришни фанлараро алоқадорликда шакллантириш усуллари ва услублари. Таълим, фан ва инновация // Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал 2017, №3, 38-44 бетлар.
2. Hasanov A.A, Gatiyatulina R.M. Interdisciplinary communication as a didactic conditions of increase of efficiency of educational process Eastern European Scientific Journal Germany. Auris - kommunikations-Und verlagsgesellschaft mdh 5-2016. p.107-111.

СЛОВА, СОЧЕТАНИЯ СЛОВ, ГРАММАТИЧЕСКИЕ НЕ СВЯЗАННЫЕ С ЧЛЕНАМИ ПРЕДЛОЖЕНИЯ (ВВОДНЫЕ И ВСТАВНЫЕ КОНСТРУКЦИИ)

Н.Е.ДМИТРУСЕНКО

старший преподаватель ТГПУ имени Низами

Аннотация. В данной статье предлагается методическая разработка интегрированного практического занятия по синтаксису современного русского литературного языка.

Ключевые слова: вводное слово, вводное сочетание, вводное предложение, вводная конструкция, вставная конструкция, диктум, модус, кодекс речевого поведения, модусное значение, достоверность недостоверность, уверенность, неуверенность.

Annotation. This article proposes a methodical development of an integrated practical lesson on the syntax of the modern Russian literary language.

Key words: introductory word, introductory combination, introductory sentence, introductory design, inline design, dictum, modus, code of speech behavior, modus meaning, reliability unreliability, confidence, uncertainty.

Annotatsiya. Ushbu maqola zamonaviy rus adabiy tilining sintaksisiga integratsiyalangan amaliy mashg'ulotning metodologik rivojlanishini taklif qiladi.

Kalit so'zlar: kirish so'z, kirish kombinatsiyasi, kirish jumlası, kirish dizayni, plugin qurilishi, diktum, modus, so'zlashish harakati kodeksi, modus qiymati, ishonchsizlik, ishonch, noaniqlik.

Цели занятия: активизировать и закрепить знания о вводных словах, словосочетаниях и предложениях, их семантических разрядах; ознакомить с модусными значениями, функциями вводных конструкций, развить умение отличать вводные слова от членов предложения, расставлять знаки препинания при них; выработать навыки использования вводных слов, сочетаний и предложений в

письменных и устных высказываниях корректно, коммуникативно оправданно.

Методы и приёмы обучения: парная «мозговая атака», графические органайзеры «Диаграмма Венна» и «Каскад», метод стилистического эксперимента.

I. Введение в учебное занятие: сообщение темы и цели занятия, планируемых результатов учебной деятельности.

Результаты учебной деятельности:

Студенты

- знают, что такое вводные слова, словосочетания и предложения, их семантические разряды, модусные значения и функции;
- умеют отличать вводные слова от членов предложения, знают правила пунктуации при них;
- владеют навыками использования вводных слов, сочетаний и предложений в письменных и устных высказываниях корректно, коммуникативно оправданно;
- различают вводные и вставные конструкции.

II. Основной этап. Актуализация знаний посредством парной мозговой атаки; беседа, сопровождаемая слайд-презентацией; работа с таблицами; формулировка определений вводных конструкций, построение и обсуждение графических органайзеров «Диаграмма Венна» и «Каскад», выполнение упражнений, проведение стилистических экспериментов.

Парная мозговая атака

1. Преподаватель делит студентов на пары и знакомит их с правилами обсуждения вопросов в группе: не отвергайте ничье мнение; если есть разные мнения, записывайте все, сомнительные ответы помечайте знаком вопроса.

2. Задаёт вопросы: 1) *Что означает вы-*

ражение «грамматически не связанные с членами предложения»? Подберите к нему синонимичное выражение. 2) Какие единицы не связаны с членами предложения? 3) Являются ли вводные слова членами предложения? 4) Какие вводные конструкции вы знаете? 5) Чем различаются вводные слова, вводные сочетания и вводные предложения?

3. Студенты объединяются в пары и отвечают на вопросы, затем читают все записан-

ные ими ответы (как правильные версии, так и неправильные). В заключение формулируют правильные ответы и сравнивают их с ответами на слайдах.

Далее преподаватель просит студентов объединиться в мини-группы по 4 человека, ознакомиться с существующими определениями вводных конструкций и сформулировать свое определение.

Вводные конструкции – «такие синтаксически не связанные с предложением слова и сочетания слов, которые выражают отношение говорящего к тому, о чём он говорит, общую оценку сообщения, либо заключают в себе указание на его источник, связь с другими сообщениями или с более широким контекстом речи» [5; 142].

Вводными называются слова, грамматически не связанные с членами предложения (т.е. не связанные с ними по способу согласования, управления или примыкания), не являющиеся членами предложения и выражающие отношение говорящего к высказываемой мысли, характеризующие способ ее оформления и т.п. Вводным словам присуща интонация вводности, выражающаяся в понижении голоса и более быстром их произнесении по сравнению с остальной частью предложения и в своеобразной безударности [1; §316].

Вводные слова – это слова, формально не связанные с членами предложения, не являющиеся членами предложения и выражающие отношение говорящего к высказываемому, указывающие на источник сообщения, на способ словесного оформления мысли, на отношения между отдельными мыслями в речи и т. д. [6].

Вводные компоненты употребляются в составе предложения, занимают в нем то или иное место, имеют особое произношение, но они грамматически не связаны со словоформами – членами предложения, сами членами предложения не являются; на письме выделяются запятыми [3; 713].

Лидер каждой мини-группы представляет определение вводных конструкций, после чего студенты дают им взаимооценку.

Преподаватель предлагает студентам рас-

смотреть нижеследующую таблицу и ответить на вопрос: *От каких членов предложения следует отличать вводные слова?*

Слово	
является вводным	не является вводным
значит	
Если синонимично словам следовательно, стало быть: Солнечные пятна совсем исчезли, значит, солнце уже склонилось за полдень.	Если близко по смыслу к слову означает, то является сказуемым: Человек значит неизмеримо больше, чем принято думать о нем.
Если находится между придаточным и главным предложениями: Если наступит весна, значит, будет тепло.	Если стоит между подлежащим и сказуемым, то выступает в роли связки, перед ним ставится тире: Борьба – значит победить.
Если находится между частями бессоюзного сложного предложения: Прозвенел звонок, значит, занятие закончилось.	
наконец	

Если указывает на связь мыслей, порядок их изложения (= и еще), завершает собой перечисление: Можно, наконец, обратиться за советом к специалисту (и еще можно обратиться...).

Затем объединяет студентов в мини-группы по 4 человека и дает задание построить диаграмму Венна, сопоставив вводные и омонимичные им слова,

после чего лидер каждой группы выходит к доске и представляет диаграмму, остальные студенты внимательно слушают и дают оценку.

Если синонимично словам и под конец, напоследок, после всего, в результате всего (= -то), выполняет функцию обстоятельства: Мы поднимались все выше и наконец достигли вершины (наконец-то достигли вершины).

Следующее задание – построение графического органайзера «Каскад»: 1 – 3 мини-группы – на тему: «Семантические ряды вводных слов»; 2 – 4 мини-группы – на тему: «Типы вводных слов по морфологическому выражению». Предварительно студенты изучают раздаточные материалы.

Раздаточные материалы №1

Вводные слова и словосочетания могут выражать:

1) степень уверенности говорящего (модальные значения достоверности, недостоверности, предположительности, уверенности / неуверенности): вероятно, кажется, по-видимому, очевидно, возможно, должно быть, может быть, бесспорно, кажется, конечно, несомненно, разумеется, действительно и др.;

2) степень обычности описываемых событий: по обыкновению, случается, бывает, как обычно, как правило и др.;

3) эмоциональное отношение говорящего к содержанию высказывания: к счастью, к несчастью, к удивлению, к ужасу, к стыду и др.;

4) источник сообщаемой информации или оценки: по-моему, на мой взгляд, по-вашему, по словам, по замечанию, по преданию, по слухам, дескать, мол, известно, говорят и др.;

5) порядок построения текста и изложения мыслей, логические связи между частями текста или высказывания: во-первых, во-вторых, например, итак, наконец, кроме того, наоборот, как было сказано, следовательно, значит, таким образом, стало быть, выходит, кстати, впрочем, между прочим, в общем, в частности, главное и др.;

6) приемы и способы выражения мыслей, авторские оценки сообщаемой информации с точки зрения точности, образности, правдивости, серьезности и т.д.: словом, короче (коротко) говоря, образно говоря, иначе говоря, точнее говоря, иными (другими) словами, прямо скажем, так сказать, лучше сказать, с позволения сказать, что называется, мягко выражаясь, надо признаться, по правде сказать (говоря), честно говоря, в сущности, между нами говоря, смешно сказать, кроме шуток, не в обиду (не в укор) будь сказано и др.;

7) оценку меры того, о чем сообщается: без преувеличения, по крайней мере, самое большее (меньшее) и др.;

8) вводные слова могут служить для установления контакта с собеседником, для привлечения его внимания: видишь (ли), знаешь (ли), слышишь, поверишь (ли), вообразимте), поверь(-те), пред ставь(те), пойми(те), пожалуйста, простите, извините, если хочешь знать, скажите на милость и др.

Раздаточные материалы №2.

По морфологическому выражению вводные слова соотносятся с именами, глаголами и наречиями.

Вводные слова именного типа выражаются:

а) именами существительными (без предлога или с предлогом), например: правда, словом, без сомнения, к счастью, на беду, по преданию;

б) именами прилагательными (субстантивированными), например: в общем, между прочим, самое главное;

в) местоимениями (в сочетании с предлогом), например: кроме того, напротив того.

Вводные слова наречного типа соотносительны с наречиями, например: вероятно, видимо, несомненно, вернее, кстати, наконец.

Вводные слова глагольного типа выражаются:

а) личными формами глагола, например: видишь ли, представьте себе, думаю, полагаем, говорят, рассказывают (вводные конструкции этого типа стоят на грани между вводными словами и вводными предложениями, так как слова типа *думаю, полагаем* могут рассматриваться как односоставные определенно-личные предложения, а слова типа *говорят, рассказывают* – как односоставные неопределенно-личные предложения);


б) инфинитивами или инфинитивными сочетаниями, например: *видать, признаться, кстати сказать, по правде сказать*;

в) деепричастиями (в сочетании с наречием или именем существительным), например: *точнее говоря, мягко выражаясь, правду говоря, по совести говоря*.

б) инфинитивами или инфинитивными сочетаниями, например: *видать, признаться, кстати сказать, по правде сказать*;

в) деепричастиями (в сочетании с наречием или именем существительным), например: *точнее говоря, мягко выражаясь, правду говоря, по совести говоря*.

Образцы построения каскадов



Лидер каждой группы представляет «Каскад».

Слово преподавателя: Сегодня мы проанализируем роль вводных конструкций в речи. В учебниках обычно излагается традиционная точка зрения, согласно которой вво-

дные слова, сочетания и предложения можно опустить, при этом смысл предложения не изменится. Так ли это на самом деле? Попробуем разобраться. Для этого погрузимся в мир

романа «Мастер и Маргарита» М. Булгакова, на материале которого мы будем сегодня работать. Попытаемся определить, с какой целью употребляются вводные слова в речи героев (Внимание обращается на доску, звучит запись песни «Мастер и Маргарита»).

Вопрос: Что вы знаете об этом произведении?

После ответа на вопрос преподаватель знакомит студентов с прагматическим аспектом изучения языковых единиц: С 80-х годов XX века появляется новый, прагматический, аспект изучения языка, который требует учёта поведения человеческой личности в процессе коммуникации. П. А. Лекант пишет: «Высказывание не может быть оформлено в речи без оценки его достоверности, авторизованности, обобщительности, адресованности и пр. Источником оценки является лицо говорящее» [2; с. 127]. Человек не только организует материал языка для передачи соответствующего содержания, но и выражает своё отношение к высказываемому, поэтому любое высказывание можно рассмотреть как «двухтекст», представляющий собой переплетение текста с метатекстом. Вводные конструкции относятся к так называемому метатексту. Они как бы стоят над содержанием основного сообщения и выражают его модальные харак-

теристики, т.е., используя терминологию Ш. Балли, модус. Объективное содержание представляет собой диктум.

Предлагаю выполнить упражнения и определить модусные значения, выражаемые вводными конструкциями.

Упражнение 1. Определите, какие вводные слова и вводные сочетания указывают на достоверность знания, а какие – на недостоверность.

1) Следовало бы, пожалуй, спросить Ивана Николаевича, почему он полагает, что профессор именно на Москве-реке, а не где-нибудь в другом месте. 2) Ехали, действительно, за город, но только не на экскурсию, а в клинику профессора Стравинского. 3) Тогда Никанора Ивановича посетило сновидение, в основе которого, несомненно, были его сегодняшние переживания. 4) Встреча, действительно, назначена ровно на семь часов. 5) «Злых людей нет на свете, – ответил арестант» – «Впервые слышу об этом, – сказал Пилат, усмехнувшись, – но, может быть, я мало знаю жизнь!»

(«Мастер и Маргарита»)

Упражнение 2. Заполните таблицу, распределив вводные слова и вводные сочетания на две группы.

Вводные слова и вводные сочетания указывают на уверенность

Вводные слова и вводные сочетания указывают на неуверенность

Без сомнения, вне всяких сомнений, бывает, видимо, по-видимому, возможно, в самом деле, должно быть, кажется, казалось, как водится, как всегда, как правило, конечно, может быть, очевидно, вероятно, наверно, несомненно, пожалуй, по крайней мере, по обыкновению, правда, разумеется, само собой разумеется, самое большее, самое меньшее, случается, бесспорно, безусловно, действительно, чай.

Проведите стилистический эксперимент: исследуйте взятые в скобки вводные слова по признаку схожести понятий в данном предло-

жении. Являются ли они полными синонимами?

Недоразумение было налицо, и повинен в нем был, конечно (без сомнения, вне всяких сомнений, в самом деле, несомненно, разумеется, бесспорно, безусловно, действительно), Иван Николаевич.

Упражнение 3. Определите оттенки значения уверенности: а) уверенность, переходящая в убежденность; б) акцентированная уверенность (несомненность) и неуверенности: а) чистое предположение; б) предположение-догадка; в) неточное знание; г) догад-

ка-вывод; д) подтверждение предположений говорящего.

1) В силу всего изложенного прокуратор просит первосвященника пересмотреть решение и оставить на свободе того из двух осужденных, кто менее вреден, а таким, без сомнения, является Га-Ноцри. 2) – Ну вот видите, – продолжала Штурман, – что же делать? Естественно, что дачи получили наиболее талантливые из нас... 3) Само собою разумеется, что хитроумный цилиндр поразил Ивана. 4) – Я не спросил тебя, – сказал Пилат, – ты, может быть, знаешь и латинский язык? 5) – Видел, наверное, кого-то, кто поразил его расстроенное воображение... 6) Мария подошла ко мне, взяла за руку, волосы поправила, и сразу мне, кажется, легче стало.

Упражнение 4. Используя вводные конструкции, выражающие разные оттенки значения уверенности / неуверенности, ответьте на вопросы викторины.

Викторина «Узнай героя по описанию»

1) «Плечистый, рыжеватый, вихрастый молодой человек в заломленной на затылок клетчатой кепке – был в ковбойке, белых брюках и в черных тапочках» (Ответ: Иван Бездомный).

2) «Бритый, темноволосый, с острым носом, встревоженными глазами и со свешивающимся на лоб клоком волос человек примерно лет тридцати восьми» (Ответ: Мастер).

3) «Этот человек был одет в старенький и разорванный голубой хитон. Голова его была прикрыта белой повязкой с ремешком вокруг лба, а руки связаны за спиной. Под левым глазом у человека был большой синяк, в углу рта – ссадина с запекшейся кровью» (Ответ: Иешуа).

4) «Это была молодая женщина лет двадцати, необыкновенного по красоте сложения, но с какими-то беспокойными и назойливыми глазами» (Ответ: Фрида).

5) «...тощий и длинный гражданин в клетчатом пиджаке, в жокейской шапочке и в пенсне...» (Ответ: Корovieв).

6) «росту был не маленького и не громадного, а просто высокого. Что касается зубов, то с левой стороны у него были платиновые

коронки, а с правой – золотые. Он был в дорогом сером костюме, в заграничных, в цвет костюма, туфлях... По виду – лет сорока с лишним. Рот какой-то кривой. Выбрит гладко. Брюнет. Правый глаз черный, левый почему-то зеленый. Брови черные, но одна выше другой» (Ответ: Воланд).

7) «...человек, лет под сорок, был черен, оборван, покрыт засохшей грязью, смотрел по-волчьи, исподлобья» (Ответ: Левий).

Упражнение 5. Определите группу, к которой относится вводное слово и сочетание: а) указывает на связь высказываний в тексте, последовательность изложения; б) служит для привлечения внимания собеседника; в) выражает отношение говорящего к стилю, манере речи, к характеру и способу изложения; г) указывает на приёмы и способы оформления мыслей; д) выражает экспрессивность и общее эмоциональное отношение к сообщаемому.

1) Гражданин ростом в сажень, но в плечах узок, худ неимоверно, и физиономия, прошу заметить, глумливая. 2) Впоследствии, когда, откровенно говоря, было уже поздно, разные учреждения представили свои сводки с описанием этого человека. 3) Брюнет. Правый глаз черный, левый почему-то зеленый. Брови черные, но одна выше другой. Словом – иностранец. 4) Там с Никанором Ивановичем, у которого перед глазами как-то мутилось от приливов крови и душевного возбуждения, вступили в разговор, но разговор вышел какой-то странный, путанный, а вернее сказать, совсем не вышел. 5) И как курьезно: до встречи моей с нею в наш дворик мало кто приходил, просто сказать, никто не приходил, а теперь мне казалось, что весь город устремился в него.

Проведите стилистический эксперимент: подберите из слов и сочетаний, указывающих на способ изложения мыслей (иначе говоря, иными словами, другими словами, если можно так сказать, к слову сказать, как говорится, между нами говоря, не в укор будь сказано) синонимы к сочетанию, употребленному в авторском высказывании. Являются ли они полными синонимами?

И на балконе был у Понтия Пилата, и в саду, когда он с Каифой разговаривал, и на помосте, но только тайно, инкогнито, так сказать, так что прошу вас – никому ни слова и полнейший секрет!.. Тсс!».

Упражнение 6. Прочитайте предложения. Определите, с какой целью говорящий употребляет выделенные вводные слова, словосочетания и предложения. Какую функцию выполняют данные вводные конструкции в устной речи?

1) – Гм... – промычал раздраженный шуткой неизвестного Берлиоз, – ну, это, извините, маловероятно. 2) – Ведь нельзя же, согласись, поместить всю свою привязанность в собаку. 3) Трехкомнатную он обменял на две отдельные по две комнаты и стал обладате-

лем, как вы сами видите, шести комнат... 4) Возможно, что он сейчас и имеет какую-нибудь комнату, но только, смею вас уверить, что не в Москве. 5) А мы, как изволите видеть, путешествуем и в данное время находимся в Москве.

Проведите стилистический эксперимент: замените вводное слово синонимичным. Изменится ли оттенок смысла?

– Помилуйте, да разве это можно делать!

Упражнение 7. Ознакомьтесь с правилами речевого поведения. Укажите вводные конструкции в предложениях. Определите, какие правила кодекса речевого поведения соблюдает говорящий, используя данные конструкции в своей речи.

Правила Кодекса речевого поведения

- 1) сообщай информацию, содержащую известное для слушателя;
- 2) сообщай информацию, не расходящуюся с житейской логикой слушателя и его представлениями об обычном ходе событий;
- 3) не сообщай общеизвестного, банального;
- 4) не сообщай неприятного для собеседника;
- 5) говори точно, стремясь найти единственно верные слова;
- 6) придерживайся одного жанра, одного способа ведения беседы;
- 7) будь искренен и правдив;
- 8) не будь излишне откровенен;
- 9) не преувеличивай;
- 10) не используй языковых средств, которые могут быть не известны слушателю;
- 11) говори согласно норме и как принято;
- 12) избегай штампов;
- 13) выбирай номинации в соответствии с номинативными привычками
 - а) своими, б) слушателя и в) в соответствии с предметом речи [7; 72-77].

1) Второй жилец исчез, помнится, в понедельник, а в среду как сквозь землю провалился Беломут, но, правда, при других обстоятельствах. 2) Азazelло не растворялся в воздухе, да, сказать по правде, в этом не было никакой надобности. 3) Ведь об этом ни в каких газетах, уж наверно, ничего не сказано. 4) Необходимо добавить, что на поэта иностранец с первых же слов произвел отвратительное впечатление, а Берлиозу скорее понравился, то есть не то чтобы понравился, а... как бы выразиться... заинтересовал, что ли. 5) ... но дело в том, что он, консультант, он, будем говорить прямо... с нечистой силой знается... и так его не поймашь. 6) Утром за ним заеха-

ла, как обычно, машина, чтобы отвезти его на службу, и отвезла, но назад никого не привезла и сама больше не вернулась.

После проведенной работы преподаватель предлагает студентам сделать выводы: *Согласны ли вы с утверждением, что вводные конструкции можно опустить, при этом смысл предложения не изменится? Нужны ли вводные конструкции и какую роль они играют?*

Задаёт вопросы: Что такое вставная конструкция? Чем вставная конструкция отличается от вводной? Какая конструкция вносит дополнительные смыслы в диктум, а какая – в модуль?

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

М.БЕРДИЕВА

Термиз давлат университети катта ўқитувчиси,

Ш.ҚОДИРОВА

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада мактабгача таълим муассасаларида болаларни интеллектуал ривожлантириш асосида касбга йўналтириш, уларни меҳнат фаолияти билан таништириш имкониятлари ва йўллари хусусида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: касб танлашга ўргатиш, ахлоқий фазилат, интеллектуал ривожланиш, мактабгача таълим.

Аннотация. В статье освещены вопросы формирования у дошкольников интереса к профессиям через приобщение их к трудовой деятельности, определены виды занятий, направленных на развитие у детей знаний о труде и первичных трудовых умений.

Ключевые слова: профессия, дошкольное образовательное учреждение, интеллектуальное развитие.

Annotation. The article highlights the issues of the formation of preschoolers interest in the professions through their familiarization with work activities, identified types of activities aimed at developing children's knowledge about labor and primary labor skills.

Key words: profession, preschool educational institution, intellectual development.

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисоблашиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга атрофлича эътибор қаратилиб, қатор Қарор ва Фармонлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мактабгача таълим муассасаларида болаларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етиши, маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, ёшига оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очиш учун шарт-шароитлар яратиш кабилар назарда тутилган.

Қисқа вақт ичида мактабгача таълим тизими янада такомиллаштирилиб, самарали давлат бошқаруви тизими яратилди, макта-

бгача таълим муассасалари моддий техник базаси мустаҳкамланмоқда, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни қамраб олиш кенгайди, замонавий таълим дастурлари ва технологиялари яратилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Ушбу дастурларнинг мақсади болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган машғулотлар, таълим-тарбия жараёни мазмунида болаларни интеллектуал ривожлантириш орқали уларга касбларга оид маълумотлар бериб бориш, уларни касб танлашга бўлган интилишини оширади. Бу эса болаларни кичик ёшдан бошлаб тўғри касб танлаши, бу борада қизиқишларини ривожлантириш имконини беради. Келажакда эса шу йўналишда янада билимларини оширишига замин ҳозирлаб, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш имконини беради.

Мактабгача ёшдаги болада интеллектнинг ривожланиши уни бирор-бир касбга қизиқишини шаклланишига ҳам хизмат қилашини унутмаслигимиз керак. Шунингдек, болаларнинг билим олишга қизиқтириш ва билимларини рағбатлантириш; когнитив ҳаракатларнинг шаклланиши, онгни шакллантириш; тасаввурни ривожлантириш ва ижодий фаолияти; атрофидаги нарсаларнинг хусусиятлари ва муносабатлари, халқимизнинг ижтимоий-маданий қадриятлари ҳақида ғоялар ва бошқалар ҳақида бирламчи ғояларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шахс бирор бир касб танлаши учун унда касбий малакага оид ғояларни шакллантириш керак. Шундай экан, мактабгача таълим тизимида ушбу ғояни талқин қилиш, тарбияланувчиларда мукамал даражадаги (ижодий турдаги, стереотип) ижобий имиджни шакллантириш ва унга нисбатан ҳис-туйғуларга ижобий муносабатда бўлишни ўргатиш ҳар бир педагогнинг диққат-эътиборида бўлиши муҳим.

Мактабгача таълим муассасаси педагоги бола шахсида касб танлашга доир кўникмаларни шакллантирар экан, қуйидаги вазифаларни инобатга олиши зарур:

- ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти "ижодий" ишдир, унинг мақсади маҳсулотни олиш, самарали натижага эришиш;

- ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий жиҳати - "инсон меҳнати"ни шакллантиришнинг энг муҳим шarti сифатида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчисида ташаббускорлик, мақсадларни аниқлаш, режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятини шакллантиришдир.

Болаларнинг катта ёшдагилар билан ўзаро мулоқоти уларни ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда тарбиячининг асосий вазифаси болаларда катталар меҳнатига ҳурматни тарбиялаш, уларнинг меҳнат фаолиятини болаларга тушунтириш ва меҳнат қилиш эҳтиёжини уйғотишдир. Болаларнинг меҳнат тўғрисидаги тушунчалари қандай қилиб кенгайиб ва чуқурлашиб бориши болалар

боғчаси дастурида кўрсатиб берилган. Кичик гуруҳдаги болалар боғчада ишлайдиган кишиларнинг меҳнати, онанинг уйдаги юмушлари кўчадаги транспорт воситалари билан таништирилади. Ўрта гуруҳ болалари меҳнат турлари ва меҳнат жараёнидаги изчиллик, меҳнатда керак бўладиган буюмларнинг номлари билан таништирилади. Катта ёшдаги болалар меҳнатнинг аҳамияти, яъни ҳамма кишилар жамият учун меҳнат қиладилар, деган хулоса чиқаришга ўргатилади. Болаларнинг ўйинлари, расмлари ҳам уларда техника ва меҳнатга қизиқиш уйғотади. Катталарнинг меҳнати болалар ўйинининг асосий мазмунини ташкил этади. Болалар ўз ўйинларида оналари ва тарбиячилари меҳнатидан бошлаб то янги шаҳарлар ҳамда космик кемалар қурилишигача акс эттирадилар. Мактабгача тарбия ёшидаги болалардаги ахлоқий сифатларни: кишиларга, жамоага муносабатни тарбиялашда катталар меҳнати билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, меҳнаткашлар ва уларнинг меҳнатлари билан танишиш болаларда ўз юртига, халқига ва бошқа халқларга нисбатан ҳурмат ва меҳр уйғотади.

Мактабгача ёшдаги болаларда касбларга қизиқишнинг шаклланиши уларнинг ақлий, интеллектуал ва ахлоқий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, мактабгача таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлигини белгилайди. Бу даврда болаларда меҳнат малакаси шакллантирилиб, меҳнат билан муносабатга киришади, маълум касбларга бўлган қизиқиш ижтимоий фойдали ишларда иштирок этиш жараёнида "уйғонади". Шу билан бирга, ижобий ахлоқий фазилатлар шаклланади, чунки бажарилган ишлар самарадорлиги ва унинг баҳоланиши боланинг онгига ижобий таъсир кўрсатади. Боланинг фаолияти давомида унинг ақлий, жисмоний ва физиологик хусусиятлари намоён бўлади.

Мактабгача таълим муассасалари болаларнинг тўлиқ жисмоний ва интеллектуал ривожланиши, миллий маданият ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий хусусиятларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиши кераклигини тасдиқлаймиз. Бироқ, маълум бир

ANIQ INTEGRALLARNI HISOBLASH

A.XOLMATOV

TDPU akademik litseyi o'qituvchisi,

S.MEYLIYEV

TAYLQEI o'qituvchisi,

Z.AMIROV

TAYLQEI o'qituvchisi

Annotatsiya. Maqola olimpiada tanlovlaridagi aniq integrallarni hisoblashning umumiy va xususiy hollariga qaratilgan. Maqolada toq funksiyalar orqali hisoblash, integralni integrallar yig'indisiga ajratish bilan, integralni yangi o'zgaruvchi kiritish usullari bilan hisoblash ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: aniq integral, Nyuton-Leybnis formulasi, toq funksiya, differensial, topmoq, chegaralangan, ko'phad, ayniyat, umumiy ko'paytuvchi, argument, yechim, bajarmoq, almashtirmoq.

Аннотация. Статья основана общих и часты случание интеграла, выбора олимпиады точного и интегрального вычислений. В публикации показаны способы вычислений интеграл нечетных функций методом в ведение новой переменной.

Ключевые слова: определенный интеграл, формула Ньютона-Лейбница, нечетная функция, дифференциал, найти, быть ограниченным, многочлен, тождество, общий множитель, аргумент, решение, выполнять, преобразовать.

Annotation. The article illustrates theorems concerning the methods of solving integral coefficient of polynomials in specific and common ways finding the solutions by odd functions, separating the sum of integrals and methods and adding changeable integers are shown in the following article.

Key words: definite integral, Newton-Leibniz formula, odd function, differential, to find, to be bounded, polynomial, identity, common factor, argument, solution, to carry out, to rearrange.

Aniq integral ostidagi funksiya, toq funksiya bo'lsa, u holda

$$\int_{-a}^a f(x)dx = 0, \quad f(-x) = -f(x), \quad (1)$$

tenglikdan foydalanish mumkin.

1-misol. $\int_{-1}^1 x^2 \ln(x + \sqrt{x^2 + 1}) dx$

aniq integralni hisoblang.

Yechish. Bu integral ostidagi funksiya toq funksiya ekanligini ko'rsatib hisoblaymiz.

$$\begin{aligned} f(-x) &= (-x)^2 \ln(-x + \sqrt{(-x)^2 + 1}) = \\ &= x^2 \ln\left(\frac{(\sqrt{x^2 + 1} - x)(\sqrt{x^2 + 1} + x)}{\sqrt{x^2 + 1} + x}\right) = \\ &= x^2 \ln\left(\frac{x + 1 - x}{\sqrt{x^2 + 1} + x}\right) = x^2 \ln\left(\frac{1}{\sqrt{x^2 + 1} + x}\right) = \\ &= -x^2 \ln(x + \sqrt{x^2 + 1}) = -f(x) \end{aligned}$$

Integral ostidagi funksiyaning toqligidan,

$$\int_{-1}^1 x^2 \ln(x + \sqrt{x^2 + 1}) dx = 0, \quad \text{ga teng.}$$

2-misol. $\int_0^{2008} x \cdot (x-4) \cdot (x-8) \dots (x-2008) \cdot dx$ integralni hisoblang.

Yechish. Aniq integralni hisoblash uchun, quyidagicha belgilash kiritib, yuqoridagi (1) dan foydalanib, toq funksiyaga keltiramiz.

$$\begin{aligned} \int_0^{2008} x \cdot (x-4) \cdot (x-8) \dots (x-2008) \cdot dy &= \\ &= \left. \begin{array}{l} y = x - 1004 \\ dx = dy \\ -1004 \leq y \leq 1004 \end{array} \right| = \\ &= \int_{-1004}^{1004} (y+1004) \cdot (y+1000) \dots \\ &\dots (y+4) \cdot y \cdot (y-4) \dots (y-1000) \cdot (y-1004) \cdot dy = \\ &= \int_{-1004}^{1004} (y^2 - 1004^2) \cdot (y^2 - 1000^2) \dots \\ &\dots (y^2 - 4^2) \cdot y \cdot dy = 0 \end{aligned}$$

Integralning qiymati nolga teng ekan.

$$\text{3-misol. } \int_{-a}^a \frac{1}{1 + \varphi(x) + \sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx,$$

integralni hisoblang, bu yerda $\varphi(-x) = -\varphi(x)$ ga teng.

Yechish. Aniq integralni hisoblashda berilgan shartlardan foydalanib hisoblaymiz. $\varphi(-x) = -\varphi(x)$

$$\begin{aligned} \int_{-a}^a \frac{1}{1 + \varphi(x) + \sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx &= \int_{-a}^0 \frac{1}{1 + \varphi(x) + \sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx + \\ &+ \int_0^a \frac{1}{1 + \varphi(x) + \sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx = \int_0^a \frac{1}{1 - \varphi(x) + \sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx + \\ &+ \int_0^a \frac{1}{1 + \varphi(x) + \sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx = \int_0^a \left(\frac{1}{1 + \sqrt{1 + \varphi^2(x)} - \varphi(x)} + \right. \\ &\left. + \frac{1}{1 + \sqrt{1 + \varphi^2(x)} + \varphi(x)} \right) dx = \\ &= \int_0^a \left(\frac{1 + \sqrt{1 + \varphi^2(x)} + \varphi(x) + 1 + \sqrt{1 + \varphi^2(x)} - \varphi(x)}{(1 + \sqrt{1 + \varphi^2(x)})^2 - \varphi^2(x)} \right) dx = \\ &= \int_0^a \frac{2 + 2\sqrt{1 + \varphi^2(x)}}{2 + 2\sqrt{1 + \varphi^2(x)}} dx = \int_0^a 1 dx = a. \end{aligned}$$

$$\text{4-misol. } \int_{-1}^1 \frac{1}{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6}} dx$$

integralni hisoblang.

Yechish. Bu yerda, birinchi qo'shiluvchida $x = -x$ deb olib ikkinchi integral o'zini yozib, quyidagicha hisoblaymiz.

$$\begin{aligned} \int_{-1}^1 \frac{1}{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6}} dx &= \int_{-1}^0 \frac{1}{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6}} dx + \\ &+ \int_0^1 \frac{1}{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6}} dx = \int_0^1 \frac{1}{1 - x^3 + \sqrt{1 + x^6}} dx + \\ &+ \int_0^1 \frac{1}{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6}} dx = \int_0^1 \left(\frac{1}{1 - x^3 + \sqrt{1 + x^6}} + \right. \\ &\left. + \frac{1}{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6}} \right) dx = \\ &= \int_0^1 \left(\frac{1 + x^3 + \sqrt{1 + x^6} + 1 - x^3 + \sqrt{1 + x^6}}{(1 + \sqrt{1 + x^6})^2 - x^6} \right) dx = \end{aligned}$$

$$= \int_0^1 \frac{2 + 2\sqrt{1 + x^6}}{2 + 2\sqrt{1 + x^6}} dx = \int_0^1 1 dx = 1$$

$$\text{Ma'lumki, } \frac{1}{1+a} + \frac{1}{1+a^{-1}} = \frac{1}{1+a} + \frac{a}{1+a} = 1$$

tenglikdan ham foydalanib integralni oson hisoblash mumkin.

$$\text{5-misol. } \int_{-1}^1 \frac{1}{(e^x + 1)(1 + x^2)} dx$$

integralni hisoblang.

$$\text{Yechish. Yuqoridagi } \frac{1}{1+a} + \frac{1}{1+a^{-1}} = 1$$

ayniyatdan, foydalanib, integralni qiymatini topamiz.

$$\begin{aligned} \int_{-1}^1 \frac{1}{(e^x + 1)(1 + x^2)} dx &= \int_{-1}^0 \frac{1}{(e^{-x} + 1)(1 + x^2)} dx + \\ &+ \int_0^1 \frac{1}{(e^x + 1)(1 + x^2)} dx = \\ &= \int_0^1 \left(\frac{1}{(e^{-x} + 1)(1 + x^2)} + \frac{1}{(e^x + 1)(1 + x^2)} \right) dx = \\ &= \int_0^1 \left(\frac{1}{e^{-x} + 1} + \frac{1}{e^x + 1} \right) \cdot \frac{1}{1 + x^2} dx = \\ &= \int_0^1 \left(\frac{e^x}{e^x + 1} + \frac{1}{e^x + 1} \right) \cdot \frac{1}{1 + x^2} dx = \int_0^1 \frac{1}{1 + x^2} dx = \\ &= \arctg x \Big|_0^1 = \arctg 1 - \arctg 0 = \frac{\pi}{4} \end{aligned}$$

$$\text{6-misol. } \int_{-2019}^{2019} \frac{1}{1 + 2^{\pi t g x}} dx$$

integralni hisoblang.

Yechish. Berilgan integralni quyidagicha yozib hisoblash mumkin.

$$\begin{aligned} \int_{-2019}^{2019} \frac{1}{1 + 2^{\pi t g x}} dx &= \int_{-2019}^0 \frac{1}{1 + 2^{\pi t g x}} dx + \int_0^{2019} \frac{1}{1 + 2^{\pi t g x}} dx = \\ &= \int_0^{2019} \frac{1}{1 + 2^{-\pi t g x}} dx + \int_0^{2019} \frac{1}{1 + 2^{\pi t g x}} dx = \\ &= \int_0^{2019} \left(\frac{1}{1 + 2^{\pi t g x}} + \frac{1}{1 + 2^{-\pi t g x}} \right) dx = \\ &= \int_0^{2019} \left(\frac{2 + 2^{-\pi t g x} + 2^{\pi t g x}}{2 + 2^{-\pi t g x} + 2^{\pi t g x}} \right) dx = \int_0^{2019} 1 dx = 2019 \end{aligned}$$

7-misol. $\int_0^{\frac{\pi}{2}} (\cos^2(\cos x) + \sin^2(\sin x)) dx = \int_0^{\frac{\pi}{2}} (\cos^2(\sin y) + \sin^2(\cos y)) dy =$

integralni hisoblang.

Yechish. Bu integralni hisoblashda

$$I = \int_0^{\frac{\pi}{2}} (\cos^2(\cos x) + \sin^2(\sin x)) dx \quad \text{deb olib,}$$

$x = \frac{\pi}{2} - y$ belgilash kiritib olamiz, bu yerda

$\sin(\frac{\pi}{2} - y) = \cos y$, $\cos(\frac{\pi}{2} - y) = \sin y$ ga teng.

$$I = \int_0^{\frac{\pi}{2}} (\cos^2(\cos x) + \sin^2(\sin x)) dx = \left. \begin{array}{l} x = \frac{\pi}{2} - y \\ dx = -dy \end{array} \right|_{\frac{\pi}{2} \leq y \leq 0} =$$

$$= \int_0^{\frac{\pi}{2}} \left(\cos^2(\cos(\frac{\pi}{2} - y)) + \sin^2(\sin(\frac{\pi}{2} - y)) \right) dy =$$

$$\begin{aligned} &= \int_0^{\frac{\pi}{2}} (\cos^2(\sin y) + \sin^2(\cos y)) dy = \\ &= \int_0^{\frac{\pi}{2}} (1 - \sin^2(\sin y) + 1 - \cos^2(\cos y)) dy = \\ &= \int_0^{\frac{\pi}{2}} 2dy - \int_0^{\frac{\pi}{2}} (\sin^2(\sin y) + \cos^2(\cos y)) dy \end{aligned}$$

Berilgan integral $\int_0^{\frac{\pi}{2}} (\cos^2(\cos x) + \sin^2(\sin x)) dx$

va $\int_0^{\frac{\pi}{2}} (\sin^2(\sin y) + \cos^2(\cos y)) dy$ larning

qiymati o'zgaruvchiga bog'liq emas, demak ularning qiymatlari bir xil ya'ni I ga teng. Oxirgi tenglikdan

$$I = \int_0^{\frac{\pi}{2}} 2dy - I, \Rightarrow 2I = \pi, \Rightarrow I = \frac{\pi}{2}.$$

Berilgan integralni qiymati $\frac{\pi}{2}$ ga teng.



Foydalanilgan adabiyotlar:



1. Григорьева.И.С. “Казанские студенческие олимпиады по математике”. Казань-2011 г.
2. И.Ю.Попов. “Задачи повышенной трудности в курсе высшей математики”. Санкт-Петербург-2008 г.
3. Р.М.Федоров. “Московский математические олимпиады”. Москва 2006 г.

ФИЗИКАНИ МАКТАБДА ВА ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАҚҚОСИЙ ТАҲЛИЛИ

Л.СУВОНОВА

Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада бугунги кунда физика фанини замонавий умумтаълим мактабида ва олий техника таълим муассасаларида ўқитишнинг асосий вазифалари ва методлари таҳлил қилинган, ўқитишни ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиб олиб боришнинг ўзига хос афзалликлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ўқитиш методлари, ахборот-коммуникацион технологиялари.

Аннотация. В статье рассматриваются основные задачи и методы обучения физики в современной средней школе и ВУЗе, с применением в обучении информационно-коммуникационных технологии, анализ методов.

Ключевые слова: метод обучения, информационные технологии.

Annotation. The main tasks and methods of teaching physics in today's schools and universities, the use of information technology in education, the analysis methods.

Key words: teaching method, information technology.

Физика, ривожлантирувчи пойдевор фан сифатида, табиатнинг асосий нисбатини умумий қонуниятларини акс эттиради, бу ўз мухандислик фаолиятининг ҳар қандай сферасида доимо зарурдир. Бу мухандиснинг ҳар томонлама талабига жавоб беради ва ёрдамлашади. У ўз навбатида мутахассисликнинг йўналтирилган тор йўналишида билим ва кўникмалар учун етарли ва зарурдир [1].

Фанни ўрганишда ишчи дастурни шакллантиришда Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти «физика ва кимё» кафедраси шунга интиладики, физика ягона ва давом этувчи курс сифатида ўрганилиши, лекин бунда талаб асосий таълим дастурига қўйилгандек ҳисобга олиниши кўрсатилган [2].

Физика методикаси – бу педагогик илм бўлиб, у физикани ўқитиш жараёнида талабалар билимини ривожлантириш ва тарбиялаш, ўқитиш воситаларини ва йўлини, қонуниятларини тадқиқот қилишдан иборат. Ўқитиш методи, ўқитиш жараёнининг асосий компонентларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир метод мураккаб структурага эга ва мақсадга қаратилган, ўқув юртини ташкил этиш шакллари билан таълим ва тарбия таркиби билан органик боғлиқдир [3].

Физикани мактабда ва олий техника таълим муассасаларида ўқитиш методларини таҳ-

лилини олиб борамиз.

Умумтаълим мактабларидаги машғулотга қўйилган асосий мақсадлар ичида иккитаси муҳим ҳисобланади: инсоният томонидан дунёни англаш бўйича тўпланган тажрибаларни ўсиб келаётган авлодга етказиш ва ҳар бир шахсни ҳамма потенциал имкониятларини оптимал ривожлантиришдан иборат. Физика фани ўрта мактабда ўқув фани сифатида ўқувчиларнинг ижодий ва англаш қобилиятларини ривожлантириш учун катта имкониятлар очиб беради.

Мактабда физикани ўқитишни қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин. Булар: табиат ҳодисаларини кузата олишликни ривожлантириш, уларни тушунтириш учун гипотезаларни олдинга суриш, назарий моделларни куриш, физикавий назарияларни натажаларини текшириш учун физикавий тажрибаларни режалаштириш ва амалга ошириш, бажарилган тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш ва амалда физика машғулотларида олинган билимларни кундалик ҳаётда қўллаш.

Физикани ўқитишни жамият ҳаётининг долзарб муаммолари билан боғлаш зарур ва унинг ривожланишида илмнинг ролини кўрсатиб бериш керак. Бундан ташқари, мактабдан илмий фикрлашни ва тасаввурлаш қобилиятини шакллантириш, ўқувчиларни ишлаб чиқаришда амалий фаолиятга тайёрлаш, турли

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИЯ: МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЧКИ ВА ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИГАН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

С.СИДДИҚОВА

Бухоро муҳандислик технологиялари институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада касб-хунар таълимида инновацион ёндашув ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида модулли тизимни жорий этиш орқали касб-хунар таълими жараёнини янада яхшилаш, илм-фан ютуқларидан, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан, мультимедиа таълим ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ички ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш юзасидан тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: касб-хунар таълимида модулли тизим, модулли таълим технологиялари, модулли ўқитиш концепцияси.

Аннотация. Целью этой статьи является совершенствование процесса профессионального образования путем внедрения модульной системы на основе инновационных подходов к профессиональному образованию и передового международного опыта, эффективного использования науки, современных информационных и коммуникационных технологий и мультимедийных образовательных ресурсов для нужд отечественного и мирового рынков, а также даны рекомендации для подготовки будущих специалистов.

Ключевые слова: модульная система профессионального образования, модульные технологии обучения, концепция модульного обучения.

Annotation. The purpose of this article is to improve the process of professional education by introducing a modular system based on innovative approaches to professional education and international best practices, the effective use of science, modern information and communication technologies and multimedia educational resources for the needs of domestic and world markets, as well as recommendations for the training of future specialists.

Key words: modular system of vocational education, modular training technologies, the concept of modular training.

Касб-хунар таълими узлуксиз таълимнинг асосий бўғини сифатида мамлакатимизни барқарор ривожлантиришнинг таянчи бўлган малакали мутахассислар тайёрлашда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 25 январда “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қабул қилинган фармони 2017-2021

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш, илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда таълим тизимида ижобий бурилиш ясади. Ҳуку-

матимиз томонидан ушбу тизимни жадал ривожлантириш, дунё ҳамжамияти эътироф этадиган даражага кўтариш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг мазкур фармонида етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун касб-ҳунар таълими соҳасига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш, ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тadbик қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш касб-ҳунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари деб белгиланди⁸.

Модуль тизимида ўқув жараёнининг асосий мазмуни талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, ўз соҳаси йўналишларига қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув фанларини танлаш имкониятини бериш ва уларнинг мустақил таълим олишига кўмаклашиш мақсадида ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлашни назарда тутди. Энг муҳи-

ми, модулли тизим сифатсиз кадрлар тайёрланишига барҳам бериши билан аҳамиятлидир.

Бир пайтлар иқтисодиёти у кадар ривожланмаган мамлакатдан қисқа вақт ичида юқори технологиялар мамлакатига айланган, ушбу соҳада “катта сакраш”ни амалга оширган Жанубий Корея, Финляндия ва Сингапур давлатлари таълим сиёсати бу мамлакатлар бундай ютуққа ўз таълим тизимига тўғри ўзгартишлар киритгани, тизимда тўғри сиёсат олиб боргани учун эриша олганлигини кўрсатади. Таълим борасида энг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, амалиётда қўллашни режалаштирган Ўзбекистон ҳам мана шундай тезкор ривожланиш йўлини танламоқда. Ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилади, миллий квалификация рамакалар белгиланади ва касбга оид стандартлар жорий этилади. Профессинал стандарт маъноси шуки, битта иш ўрни ишчидан қандай малака ва кўникма талаб килади, ушбу ҳолат ўрганилиб, шу асосда модулли ўқув режалари пайдо бўлади. Таълим жараёни эса доимий равишда такомиллаштириб борилади. Бундан мақсад юқори малакали ишчи, касб эгалари, иқтисодиётнинг ўрта бўғини мутахассислари тайёрлашдан, яъни касб-ҳунар таълими тизимини иқтисодиёт ривожланишининг муҳим компонентиға айлантиришдан иборат⁹.

Ўқитишнинг модуль тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта, 1972 йил, ЮНЕСКОнинг Токиодаги Бутунжаҳон Конференциясида сўз юритилган бўлиб¹⁰, модулли тизимнинг таълим жараёнига тadbик этилиши 1999 йилнинг 19 июнида имзоланган Болония декларацияси билан боғлиқ. Болония декларациясининг

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги – ПФ-5313-сонли фармони

⁹ <http://uza.uz/education/kasb-hunar-ta-limi-innovatsion-rivojlanish-yohida-12-02-2018>

¹⁰ Ф. Абдурайимов “Олий таълимда умумкасбий фанларни ўқитишда модулли технологиялардан фойдаланиш” 2013йил

моҳияти Европадаги олий таълим тизими-ни бир-бирига яқинлаштириш ва уйғунлаштириш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Болония таълим тизими жараёни 40 дан ортиқ мамлакатни ўзида бирлаштирган.

“Модулли ўқитиш” термини халқаро тушунча - модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради, у модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган ахборот блоки сифатида тушунилади. Модулли ўқитиш-таълимнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки одам бош миясининг ўзлаштириш тизимига энг яхши мослашгандир. Модулли ўқитиш асосан инсон бош мияси тўқималарининг модулли ташкил этилганлигига таянади.

Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қўйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятларини яратади:

- модул-фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбий мотивация (қизиқтириш) асосида, ўқитиш жараёнини фаоллаштириш, мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли технологияга тизимли фаолият ёндашув, энг аввало касб-ҳунар таълимида ва олий таълимда қўлланилади. Масалан, ЮНЕСКОнинг халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Меҳнат кўникмалари модуллари концепцияси” модулли технология ҳисобланади. Концепция, ўқув фанларига бўлинмасдан, яхлит ўқитишга йўналтирилганлиги би-

лан ажралиб туради. Модулли тизимнинг афзалликлари модуллар технологияларининг лойиҳалаш жараёнининг аниқ таркиблаштириш ва модулли вариантдаги ўқув-дастурий ҳужжатлар шаклини тўла шаклланганлиги бўлиб ҳисобланади. Меҳнат кўникмалари модуллари ўқитишнинг модулли дастури, мутахассис фаолиятининг таҳлили, унинг мазмуни ва таркибини ўрганиш асосида тузилади ва модулли блоклар ҳамда ўргатувчи модуллари йиғиндисидан иборат бўлади. Мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолияти, катор ишлаб чиқариш топшириқлар бажарилишини ўз ичига олади. Улар ўз навбатида белгиланган кетма-кетликда бажариладиган ишлаб чиқариш амалларидан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш топшириғи таркибига кирувчи амалларни бажариш учун ишчи маълум даражадаги назарий билимлар ва амалий малакаларга эга бўлиши керак. Бунга ишлаб чиқилган ўргатувчи модулларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши орқали эришилади. Модулли ўқитишнинг концепцияси касб-ҳунар коллежларида, ихтисосликка ўргатиш учун жуда ҳам мос келади. Бу эса энг аввало касбий таълим олаётган талабаларга тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологиясини ўзлаштиришни тақозо этади.

Модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқувчилар модул дастурлари устида мустақил (ёки ўқитувчи раҳбарлигида) ишлаб ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар. Модулли таълим технологиялари асосида модулли дастур туради. Модуль дастурлари ўзида мавзунинг илмий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган дидактик мақсадни, ўқувчилар дарс давомида бажарадиган топшириқларни, мазкур топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмаларни мужассамлашти-

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ” МАВЗУСИНИ ИННОВАЦИОН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЖОРИЙ ЭТИШ

А.ҚУВОНДИҚОВ
ТДТУ магистри

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан Ўзбекистон иқтисодиёти маҳсулот, ишлар, хизматларга талаблар ўрнатишнинг халқаро амалиётга яқин бўлган мутлақо янги тизимига ўтмоқда. Қонун, мажбурий талабларни ўрнатиш, қўллаш ва бажариш соҳасида, шунингдек маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида талабларни ихтиёрий асосда ўрнатиш ва қўллаш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади.

Қонун қоидаларининг амалга оширилиши хавфсизлик даражасини маъмурий аралашувнинг минимал ҳолатида таъминлайди ва бозорда хавфли ҳамда сохталаштирилган маҳсулот пайдо бўлишининг олдини олишга, шунингдек халқаро савдодаги техник тўсиқларни камайтиришга замин яратади.

Стандартлар мамлакат иқтисодиёти ва саноатида муҳим рол ўйнаши кўпчиликка маълум, лекин уларнинг ҳақиқий маъносини тушуниб етиш ва талқин этишни ушбу соҳа мутахассисларигина удалай оладилар. Ҳозирги халқаро даражадаги рақобат жараёнида стандартларнинг роли ниҳоятда баландлиги, улар савдо-сотикдаги тўсиқлар тоифасига кирсада, шу билан бир вақтда маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатдорлигини ошириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига ёрдам бериши борасидаги тушунчалар кенгаймоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш деганда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳалари ўртасидаги, маҳсулотларнинг хавфсизлиги учун белгиланган талабларга, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш, қўллаш, фойдаланиш фаолиятларига ҳамда шу талаблар ижросини

текширишга алоқадор муносабатларни шакллантириш масалалари мажмуи назарда тутилади. Бунда, бозор бир тарафдан бизнес ва маҳсулот айланишининг эркинлиги, бошқа тарафдан маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва мувофиқликни тасдиқлаш жараёнлари ва бошқа талаблар орқали тартибга солинади.

Амалда регламент – маҳсулотнинг хавфсизлиги ва унга тегишли жараёнлар учун зарурий талабларни белгилайдиган техник йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида шаклланади. Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, техник нормалар маълум шартлилик улуши билан иқтисодий сиёсатни ҳаётга тадбиқ этишнинг кучли воситаси. Техник нормалар билан бошқариш ёрдамида, бозорларни ташкил этиш ёки аксинча бартараф этиш, ривожланишнинг зарурлик даражаларини белгилаш, бошқа соҳалар ривожланишини сақлаган ҳолда янги саноат йўналишларини ишга тушириш ва шу каби бошқа тадбирларни амалга ошириш мумкин. Бинобарин, республикамизда шакллантирилаётган техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг ташкил этувчи қисми бўлиб қолиши ва белгиланган устувор мақсадларни бажарилишини таъминлашга улкан ҳисса қўшиши аниқдир.

Ўзбекистон Республикаси Касб-ҳунар таълими муассасаларида таълимнинг “3310900-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)” йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчилари томонидан “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамиятини ўргатиш,

уни мазмун ва моҳияти тўғрисида билим олишларига ва кўникмага эга бўлишларига имконият яратиш уларнинг соҳа сир-асрорларини ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур мавзуни йўналиш талабалари томонидан инновацион таълим технологиялари асосида ўрганишда куйидаги режалар белгилаб олинди:

Биринчидан, “Ўзбекистон Республикаси “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни мақсади ва вазифалари;

Иккинчидан, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маҳсулот, жараёнлар, ишлар ва хизматларга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳамда уларни хавфсизлик масалаларида давлат ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек савдо-сотикда

техник тўсиқларни бартараф этишда тутган ўрнини очиб бериш;

Учинчидан, мазкур қонуннинг қабул қилинишидан тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга яратилган имкониятларни ўрганиш ҳамда мазкур қонунни ҳаётга тадбиқ қилиш механизмлари самарадорлигини ошириш юзасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўқувчилар томонидан “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини аҳамиятини ўргатиш, уни мазмун ва моҳияти тўғрисида билим олишларига ва кўникмага эга бўлишларига имконият яратиш мақсадида ушбу мавзу бўйича машғулотни олиб бориш технологияси (1-жадвал) ҳамда технологик харитаси (2-жадвал) ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Машғулотни олиб бориш технологияси

Ўқув машғулоти режаси	1. “Ўзбекистон Республикаси “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни мақсади ва вазифалари. 2. Мазкур қонунни маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишдаги ўрнини очиб бериш. 3. Қонунда ишлаб чиқарувчилар ва истемолчиларга яратилган имкониятларни ўрганиш.
Ўқув машғулотининг мақсади: “Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ҳақидаги ўқувчилар билимларини шакллантириш	
Педагогик вазифалар: 1. “Ўзбекистон Республикаси “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни мақсади ва вазифаларини тушунтириб бериш. 2. Мазкур қонунни маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишдаги ўрнини ёритиб бериш 3. Қонунда ишлаб чиқарувчилар ва истемолчиларга яратилган имкониятларни изохлаб бериш.	Ўқув фаолият натижалари: 1. “Ўзбекистон Республикаси “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни мақсади ва вазифаларини айтиб беради. 2. Мазкур қонунни маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишдаги ўрнини айтиб беради. 3. Қонунда ишлаб чиқарувчилар ва истемолчиларга яратилган имкониятларни гапириб беради.
Ўқитиш методлари	Бумеранг, амалий, кўргазмали, намоиш, суҳбат.
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли	Оммавий, жамоавий, гуруҳли
Ўқитиш воситалари	Дарслик, проектор, диапроектор, электрон доска, тарқатма материаллар, наъмуналар, слайдлар.

Ўқитиш шароити	Махсус техник воситалар билан жихозланган гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона.
Қайтар алоқанинг усул ва воситалари	Оғзаки назорат: тезкор сўров, оғзаки сўров, гуруҳли иш тақдимотини баҳолаш

2-жадвал

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1- босқич. Ўқув машғулотига кириш (7-10 дақ.)	Ташкилий қисм: 1.1. Ўқувчилар давоматини ва хонанинг ўқув машғулотига тайёргарлигини текширади. 1.2. Машғулотнинг номи, режаси, мақсад ва қутилаётган натижалар билан таништиради ва ёзиб олишларини айтади. 1.3. Мавзуга доир таянч иборалар билан таништиради (1-илова).	
2-босқич. Асосий (60 дақ.)	Ўқувчилар билимини фаоллаштириш 2.1. Тезкор сўров ўтказди (2-илова). Янги ўқув материал баёни 2.2. Янги мавзу юзасидан проектор ёки электрон доска орқали мавзунинг асосий назарий ҳолатларини баён қилади ва мавзу юзасидан ўқувчиларга таниш бўлган маълумотлар асосида суҳбатлашади (3-илова). Янги ўқув материални мустаҳкамлаш 2.3. Ўқувчилар кичик гуруҳларга исталган белгилар асосида бўлиб чиқади. 2.4. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқув топширикни тарқатади, “бумеранг” технологияси қоидасини эслатади. 2.5. Хар бир гуруҳга мустақил ўрганиш учун матнлар тарқатилади. 2.6. Ўқувчилар кичик гуруҳларда навбат билан ўзлари мустақил ўрганган матнлар ҳақида бир-бирларига маълумот бериб, тенгдошлари томонидан ўрганилган матнларни ҳам ўзлаштиради. 2.7. Ўқитувчи мавзу бўйича саволлар бериш, оғзаки сўраш асосида ўқувчилар томонидан унинг самарали ўзлаштирилганлигини аниқлайди (4-илова). 2.8. Умумлаштиради ва мавзунинг асосий мазмунини кетма-кет изоҳлаб беради	
3-босқич. Яқуний (7-10 дақ.)	Машғулот якуни 3.1. Мавзуни яқунлайди. Ўқувчилар фаолиятни баҳолайди (5-илова). 3.2. Мавзу юзасидан олган билимлари келгуси фаолиятларида фойдаланишларида муҳимлиги тўғрисида гапиради. Уйга вазифа бериш 3.3. Уйга вазифа беради (6-илова):	

ЎҚУВ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Д.А.УМЕРОВА

Янгиер педагогика коллежи директори

Таълим самарадорлигини юқори даражага кўтариш муаммосига технологик ёндашув ўтган XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди. Бу даврда “педагогик техника” тушунчаси махсус адабиётларда кўриниб қолди ва унга ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. 40- ва 50-йиллар бошларида ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса, кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси педагогик технологияларга тенглаштирилди.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологиялари ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиш, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педогог махоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларнинг билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

ИННОВАЦИЯ (инглизча innovation) –янгилик киритиш, янгиликдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолияти-

га янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;
- ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар-бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқодчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим

технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятни ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижобий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педогогик технология бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи-талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараён дидир.

Ўқитувчи ва ўқувчи талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала тамоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчи – талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун балким компьютер билан ишлаш лозимдир,

балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлади, булар ўқитувчи ва ўқувчи-талабага боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ТСО ни, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли қафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда ўқувчи талабани таълимнинг марказига олиб чиқиши керак.


Тарбия мазмунига қуйидагиларни кiritиш мумкин:

- ақл тарбияси;
- ахлоқий тарбия;
- меҳнат ва касбий тарбия;
- миллий ғоя тарбияси;
- байналмилал тарбия;
- инсонпарварлик тарбияси;
- виждон тарбияси;
- нафосат тарбияси;
- ҳуқуқий тарбия;
- иқтисодий тарбия;
- экологик тарбия;
- жисмоний тарбия ва бошқалар.

Инновацион педагогик технологиялар тузилмаси



Инновацион педагогик технологияларнинг турлари



МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Д.МУСТАФОЕВА
ТИҚХММИ таянч докторанти

Аннотация. Мақолада олий таълим тизими педагог кадрларининг малакасини ошириш курсларининг илмий услубий таъминоти, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш босқичлари, малака ошириш тизимида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш бўйича масалаларга илмий қарашлар ва уларни ечишда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инновация, қайта тайёрлаш, касбий кўникма, интерфаол ўйинлар, кўникма, малака, педагогик такт.

Аннотация. В статье представлены научно-методическое обеспечение подготовки педагогических кадров в системе высшего образования, подготовки учителей к инновационной деятельности, научные взгляды по вопросам усовершенствования подготовки учителей к инновационной деятельности в системе повышения квалификации, а также рекомендации по их решению.

Ключевые слова: инновация, переподготовка, профессиональные навыки, интерактивные игры, мастерство, педагогическая тактика.

Annotation. In the article the scientifically-methodical support of the professional development courses for teachers of higher education, the stage of preparation of teachers for innovative activity, recommendations on improving the preparation of teachers for innovative activated in the system of qualification upbringing.

Key words: innovation, retraining, vocational training, interactive improvement, daycare, qualifications, pedagogical tactics.

Кадрлар малакасини ошириш ёки уларни қайта тайёрлаш бир қанча омиллар мақсадида амалга оширилади, жумладан, фан ва техника тараққиёти янгиликларини татбиқ этиш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўрганиш асосида кадрларни мунтазам равишда малакасини ошириш, кадрларнинг шахсий эhtiёжини ҳисобга олган ҳолда уларнинг касбий кўникма ва маҳоратларини тизимли равишда ошириш ва чуқурлаштириш [1].

Малака ошириш курсларидан асосий мақсад педагогнинг фикрлаш доирасини янада кенгайтириш, уларни мустақил ишлашларига йўналтириш, касбий кўникмаларини машғулотларни интерфаол ўйинлар, инновацион машғулотлар билан ўтказиш эвазига бойитиш ҳисобланади. Лекин кўпчилик малака ошириш курсларида ҳали ҳам асосан маърузалар тарзда ўтказилмоқда.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш аниқ мақсадга қаратилган ва пухта ишланган, олдин-

дан аниқ мақсадга асосланган, ташхисланган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилиши, шунингдек муваффақиятга эришиши мумкин.

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллашни, амалий фаолият қирраларини нафақат назарий, балки амалий натижалар билан тўлдириб бориш, коммуникатив нутқ ва албатта ташкилотчилик маҳоратини талаб этади.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш бир нечта босқичда амалга оширилиб, узок давом этадиган жараён ҳисобланади.

1-босқич. Инновацион фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрганлик босқичи. Бу босқичда бир қатор принциплар мужассам;

Мутаносиблик принципи – педагогик кўникмаларни эгаллашга эhtiёж билан ўз фаолиятни ўзгартиришга бўлган ўртасидаги мутаносиблик.

Ижодиёт принципи педагогик жараёнда

объект ва субъект ўртасидаги биргаликдаги ижодиёти.

Вазиятдан чиқа олиш янги, шу давргача маълум бўлмаган вазиятлардан чиқиб кетиш.

2-босқич. Психологик педагогик билимларни ва педагогик маҳоратни шакллантириш босқичи. Бунда:

- ижодий фаолият технологиясини эгаллаш;
- аввалги билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятга кўчира олиш;
- асосий ва ёрдамчи муаммоларни ажрата олиш;
- муаммоларга мақбул ечимини топа билиш;


Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад уларнинг ютуқларини эмас, балки инновацион фаолиятдаги ўқитувчининг қайси босқичида камчиликларга йўл қўйгани ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишдан иборат.

Малака ошириш тизимида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни тако-

миллаштириш учун малака ошириш мониторингини олиб бориш лозим, бунда ташқи ва ички назорат олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпчилик ҳолларда малака ошириш курсларидан келган ўқитувчилар ўз фаолиятларини олдинги услубда давом эттирадилар, курсларда ўзлаштирган янги услубларини қўллашга унча шошилмайдилар, инновацион фаолиятга ўтмайдилар.

Малака ошириш жараёнида махсус фан ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш қуйидаги масаларга оидлик кириштишга ёрдам беради[2].

- ўқитувчи маданияти, маънавияти ва ахлоқи, қолаверса бошқа соҳадаги саводхонликни оширади;
- ўқиш жараёнини енгиллаштиришга эришилади, яъни талабаларда жараёнга нисбатан қизиқиш ортади;
- билим, кўникма ва малакаларни рақобатбардош даражада тутиб туришга эришилади.



Педагогик инновациянинг малака оширишида тутган ўрни ва асослари

Бугунги кунда малака ошириш курсларидаги бир қатор камчиликларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- кўпчилик тингловчиларда курсда ўқишдан мақсад ва келажакдаги режа мавжуд эмас (тингловчилар ёшлари жиҳати нуқтаи назардан);
- малака ошириш курсларидан кейинги мониторингнинг мавжуд эмаслиги;
- малака ошириш курслари машғулотларида берилаётган маълумотлар тест топшириқларида берилмаганлиги;
- ассисмент топшириқларига жуда ҳам кам балл берилаётгани каби масалаларга албатта оидлик кириши талаб этилади.

Малака ошириш жараёнини ўқитувчиларда ижодий мустақилликни ривожлантириш ва педагогик фаолиятни лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчининг касбий

ижодкорлиги катта роль ўйнайди. Ҳозирда олий таълим тизимида ёш ўқитувчиларнинг салоҳияти ва тажрибаси етарли бўлмагани ва аксинча ёши улуғ педагогларнинг янги педагогик технологиялардан, ўқитишнинг методлардан, қолаверса инновацияни дарс жараёнига тўлиқ татбиқ эта олмасликлари учун ҳам малака ошириш тизимида, айниқса техника фанларидан дарс бераётган педагогларнинг педагогик компетенцияларини оширишга муҳтожлик сезилмоқда. Бундан ташқари малака ошириш тингловчиларига дарс ўтадиган ўқитувчиларнинг иш режаси ва тингловчиларга бераётган маълумотларида такрорланиш ҳолатларининг учраб туриши салбий ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Педагогларнинг педагогик компетенциясини ошириш учун инновациялардан фойдаланиш жуда катта самара беради. Ҳар қандай

инновацион методларни қўллашдан олдин ўқитувчининг ўзи мукамал билимга ва юқори касбий маҳоратга эга бўлмоғи лозим. Касб маҳоратини ривожлантиришнинг дастлабки босқичларидаёқ ўз соҳасидаги ҳаракатларнинг изчиллиги, ўзини намоён қила оладиган шарт шароитларни такомиллаштирадиган омиллар, қолаверса, талабаларни ёки ўқувчиларни ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, касбий фаолият биринчи навбатда шахснинг онгли ёндашуви билан белгиланади ва унинг такомиллаши оқибатида педагогик компетенцияси ошиб боради.

Б.Нуриддинов “Ўқитувчиларнинг жуда оз қисми ўқув жараёнини илмий тушунишни, билишни ўрганадилар, жуда кўп вақт ўқув дастурлар билан таништиришга кетади, бу камчилик эса ижод қилишга ёрдам бериш ўр-

нига ўқитувчини фикрлашдан узоқлаштиради ва тайёр усулларга ўргатади”, деб таъкидлаган эди [3].

Малака ошириш тизимида техника фанлари ўқитувчиларининг педагогик компетентлигини оширишнинг тахминий моделини қуйидагича кўринишда ифодаласа бўлади. Қуйидаги жадвалда малака ошириш тизимида махсус фан ўқитувчиларининг педагогик компетенцияларини оширишлари учун зарур бўлган педагогик концепция (билим, ғоя, профессионаллик даражаси, ўз-ўзини ривожлантириш модели), инновация (мотивация, креативлик, ўқитишнинг илғор технологияларидан фойдаланиши) ва педагогик компетенция (умумий ва касбий маданият, шахсий сифатлар ва мажбуриятлар, касбий маҳорат ва касбий сифатлар) турлари келтирилган.

1-жадвал

Махсус фан ўқитувчисининг зарурий сифатлари

КОНЦЕПЦИЯ	ИННОВАЦИЯ	ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯ
Билим (профессионаллик) даражаси	Ўқитишнинг илғор технологиялари	Умумий ва касбий маданият
Ғоя	Мотивация	Шахсий сифатлар ва мажбуриятлар
Ўқув лойиҳалари ишлаб чиқиш	Креативлик	Касбий маҳорат
Ўз ўзини ривожлантириш дастури	Муаммоли таълим	Педагогик такт

Юқорида келтирилган босқичларни изоҳлаймиз. Педагогнинг дарс ўтиш жараёнида албатта ўзининг концепцияси бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай концепцияни тузишда педагогнинг билим даражаси (кейинчалик у профессионаллик даражасига айланиши мумкин) ва дарс машғулотининг ғояси катта аҳамиятга эга [3].

Ўқув лойиҳалари деганда ўтилатган машғулот бошида муаммо аниқланиб, ушбу муаммони ечишда ғоя ва унинг ортидан лойиҳа ва сўнграгина натижа аниқланади, яъни муаммонинг ечими топилади. Бу эса берилган мавзунинг ёритишда унинг аниқлиги ва муаммони ечиш йўналишини белгилаб беради. Шундай ташкил этилган машғулотларда бошида қўйилган муаммо ўз ечимини топиши

мумкин ва талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаши мумкин.

Ўз-ўзини ривожлантириш дастури бу педагогнинг ўз устида тинмай ишлаши, унинг талабалар олдидаги обрўсини ошиши, педагогик компетентлигини ошиши, қолаверса, дарс машғулотининг самарали ўтишини таъминлайдиган жиҳат ҳисобланади.

Инновация тушунчаси ҳозирда жуда кўп ишлатилаётган терминларда ҳисобланади, таълимда инновация эса бу ҳар бир машғулотнинг бир-бирини такрорламаслигини, бир-биридан фарқ қилиниши, дарс машғулотларида илғор педагогик технологиялардан фойдаланишни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Техник йўналишлардаги дарс машғулотларини қизиқарли қилиб ўтилишида мотивация-

КЕЛАЖАК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИК

Э.О.БАБАЕВ

Сирдарё вилояти “Фарғона” кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25-январдаги умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5313 сонли фармони ва 2018 йил 3-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги ПҚ-3504 сонли қарорларида, шунингдек 2018 йилнинг 5-майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди ҳам кўрсатилганидек мамлакатимиз худудларида ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаолиятининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар асосида келажакда касб-хунар коллежларини сақлаш, уларни харажатларини молиялаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, касб-хунар коллежларининг ўзини-ўзи қоплашини ошириш мақсадида белгиланган тартибда таълим хизматлари кўрсатилишини, фаолиятининг тадбиркорлик, маслаҳатлар бериш, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа турларини йўлга қўйиш вақти келди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 48-сонли “Таълим хизматларини кўрсатиш бозорини ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги қарорларини ҳамда вазирлик ва ЎМКХТ Марказининг ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор буйруқларини ҳаётга татбиқ этиб бориб, бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Шундай бўлса-да, таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағ топишга стереотип қарашлар, анъанавий ижтимоий кўникмалар, психологик омиллар ва бошқалар

тўскинлик қилмоқда.

Касб-хунар коллежларида бюджетдан ташқари маблағ топиш, яъни тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий муаммо билан боғлиқ эмас. Юзаки қараганда, бу иқтисодий муаммодек туюлса-да лекин у ижтимоий-педагогик фаолиятдир.

Давлат таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлиш бутун педагогик жамоанинг фаол иштирок этишини назарда тутди. Бироқ бозор шароитида янги иқтисодий муносабатларни тушунмаслик ёки нотўғри тушуниш кўпгина ҳолларда жамоа ва таълим муассасаси раҳбари ўртасида зиддиятлар келтириб чиқаради. Турли тарздаги тижорат муносабатлари у муассасанинг айрим аъзолари ўртасида ноқулай муҳит яратади. Таълим муассасасининг мақсади ва вазифаси билан боғлиқ бюджетдан ташқари нотадбиркорлик фаолиятини кўпчилик педагоглар ижобий баҳолашади, тадбиркорликни эса уларнинг кўпчилиги мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўтказилган тадқиқот маълумотларига кўра тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаш вақтида “Бюджетдан ташқари тижорат фаолиятида иштирок этишни истайсизми?” деган саволга кўплаб педагоглар “йўқ” деб қатъий жавоб беришди. Улар бу ишни педагогнинг касбий фаолиятига мос келмайди, деб тушунишди.

Ўн йиллар давомида шаклланган педагогик касбий менталитет ёки педагогик ғурур уни бюджетдан ташқари фаолият, яъни тижорат ишлари (тадбиркорлик) билан шуғулланишга йўл қўймайди. Ҳар қандай тадбиркорлик уларнинг тасаввурини ўқитувчилик шаънига тўғри келмайди, у савдо-сотик ёки хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланмаслиги керак.

Бозор муносабатларига ўтиш таълим муассасаларини ҳам янги шароитларга тезроқ мослашишни талаб этади. Ҳар бир таълим муассасаси бу муаммони ҳал этиш-да ўзига хос йўл танлайди, албатта. Бироқ бундай кескин ўзгаришларга педагогик жамоанинг муносабати салбийдир. Касб-хунар коллежлари педагогик жамоасини юзага келган хўжалик фаолияти шароитларига мослаштириш ва ундан ҳар бир педагогнинг иштирок этиши бўйича ишларнинг ташкилий-педагогик ва психологик методларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Бизнингча, бундай масалани қуйидаги усуллар асосида ҳал этиш мумкин: педагогларда тадбиркорлик фаолиятида фаол иштирок этишга ижобий мотивлар шакллантириш; уларни таълим муассасаларидаги молиявий менежмент асослари билан таништириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ана шу база асосида уларда иқтисодий фикрлаш тарзи ва онгини шакллантириш.

Бюджет томонидан молиялаштириш камайган ҳолларда бозор муносабатлари шароитида ишлаш тажрибасига эга бўлмаган айрим таълим муассасалари бир оз моддий жиҳатдан қийналиб қолишлари мумкин. Фақат педагогик жамоанинг асосий масалани, яъни таълим муассасасининг нуфузи ва моддий-техник таъминотини сақлаб қолиш масаласини тўғри англаши ҳамда унинг янада ривожланиши учун шароит яратиши қийин вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кетиш имконини беради. Таълим муассасасининг муваффақиятга эришиш воситаси эса етишмайдиган молиявий воситаларни тўлдиришга имкон берувчи бюджетдан ташқари самарали фаолиятни йўлга қўйишдир. Бу таълим ва тарбиявий ишларни муваффақиятли ташкил этиш имконини беради. Педагоглар бюджетдан ташқари маблағ топиш фаолиятида иштирок этиш ўзлари хизмат қилаётган таълим муассасасининг оёққа туриб кетиши ва ўз касбий фаолиятини давом эттириш, бинобарин, нафақат иш ҳақини ўз вақтида мунтазам олиб туриш, балки уни кўпайтириш имкони туғилишини чуқур англашлари зарур. Шундай қилиб, жамоа ва маъмурият мақсадлари бир-бирига мос келади. Буни тушуниш оқибатида педагогик жамоада бюджетдан ташқари фаолиятда иштирок этишга рағбат ўйғонади.

Таълим муассасаси иқтисодини замон талабларига мувофиқ ҳолда қайта қуриш заруратдир. Бусиз унинг ривожланиши амри маҳолдир. Бюджет маблағлари етарли бўлмаган шароитда таълим муассасаси иқтисоди кўп тармоқли молиялаштиришга таяниши лозим. Бунда молиялаштириш манбаи айнан тадбиркорлик фаолияти бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик асосида олинган фойда таълим муассасасининг ривожланишига, шунингдек, ўқитувчи ва муҳандис-педагогларга қўшимча иш ҳақи тўлаш ҳамда талаба-ёшларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш учун сарфланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлиги ҳар бир педагогик жамоанинг фаоллиги билан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлиш, олинган фойда ва уни тақсимлашни назорат қилишни жамоанинг ўзи амалга оширади.

Бугунги кун педагоглари – бу педагог-ташаббу-

скор, педагог-менежер бўлиб, таълим муассасаси ривожланишига катта ҳисса қўшувчи, унинг таракқиётини таъминловчи кучдир. Бундай педагог, энг аввало, инновацион жараённинг ташкилотчиси булиши керак.

У таълим соҳаси эҳтиёжларида фойдаланиладиган ақлий маҳсулот яратади. Уни сотиб, пул-маблағ тўплаши ва шу билан таълим муассасаси бюджетини тўлдириши мумкин.

Бу асосий қоидалар ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар иштирокидаги кенгашларда муҳокама этилиши мумкин. Бундан ташқари, “Касб-ҳунар таълими муассасаларида молиявий менежмент ва маркетинг асослари” мавзuida махсус ишлаб чиқилган дастур асосида машғулотлар ўтказиш мумкин. Бунда ўқитишнинг фаол усуллари: иш ўйинлари, муаммоли масалаларни ҳал этиш, ақлий ҳужум ва бошқалардан самарали фойдаланиш лозим. Бизнингча, худди ана шу усул билан бюджетдан ташқари фаолиятга, яъни тадбиркорликка педагогик жамоанинг кўпгина қисмини жалб этиш мумкин.

Таълимдаги ислохотлар ва бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасалари педагогик жамоасининг тадбиркорлик ишларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, биз “Касб-ҳунар таълими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш” мавзuida социологик тадқиқот ўтказдик. Социологик тадқиқотнинг асосий мақсади касб-ҳунар таълими муассасалари педагогик жамоасининг фикри ва манфаатдорлик даражасини аниқлаштиришдан иборат эди. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, педагогик жамоанинг бюджетдан ташқари маблағ топишга ва унда шахсан иштирок этишга нисбатан муносабати ижобий томонга ўзгарган. Тўғри, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кўпчилигида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш ҳали кенг миқёсда йўлга қўйилгани йўқ, яъни тадбиркорлик фаолияти ривожлантирилмаган. Айримлар эса бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас.

Бундан ташқари, биз “Педагогларнинг хўжалик ишлари ва тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилган таълим муассасаларида ишлаш истагингиз қандай?” деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Сўровномага аксарият педагоглар ижобий жавоб беришди. Кўпчилик эса бюджетдан ташқари маблағ топиш фаолияти касб-ҳунар таълими муассасаларида ишлаш истагини янада оширишини таъкидлади. Бинобарин, педагог жамоанинг 50% идан ортиғи у ёки бу даражада ўзининг асосий ишини хўжалик ҳисоби билан боғлиқ фаолиятга боғлашга

ҳаракат қилишини билдиришди. Умуман, сўровномада иштирок этганларнинг кўпчилиги (90% дан ортиғи) бюджетдан ташқари маблағ топишни ривожлантириш зарурлигини эътироф этишди.

Илгарилари педагогик жамоа таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни инкор этишган бўлса, эндиликда эса тадқиқот иштирокчиларининг ўзи бу йўналишдаги ишларнинг янгидан-янги шакллари таклиф этмоқдалар.

Бюджетдан ташқари пул-маблағ топиш бўйича ўтказилган тадқиқот ишлари ва унинг натижалари куйидаги хулосага келишга имкон беради.

Таълим муассасаларида педагогик жамоани бозор муносабатларига мослаштириш, уларни бюджетдан ташқари пул-маблағ топишга фаол жалб этиш бўйича ўтказилган тадбирлар самарали натижалар беради.

Таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағ топишни кенг қўламда йўлга қўйишда ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожлантириш жамғарма ҳақидаги Низомга асосланиб иш юритиш мумкин.

Куйида таълим соҳасида амалга ошириладиган пуллик хизматлар ва ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар руйхати:

Касб-хунар таълими муассасаларида:

1. Мактаб курсига кирувчи айрим предметлар бўйича битирувчиларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришга тайёрлаш гуруҳлари очиш.

2. Репетиторлик (якка тартибда машғулот олиб бориш) хизматини кўрсатиш.

3. Ўқувчилар ва барча хоҳловчиларни хорижий тилларга ўргатиш учун гуруҳлар очиш.

4. Давлат таълим стандартларида кўзда тутилмаган предметларни, шунингдек, ўқув режаларида кўзда тутилган соатлар ва ишчи дастурлардан ташқари мавзуларни ўрганувчи ўқувчилар учун курслар очиш.

5. Ўқувчилар ва фуқаролар учун тўғараклар ташкил этиш, мусиқа асбобларини чалишни ўргатиш, театр санъати, кино, видео, рақс ҳаваскорлик иши бўйича, техник ижодкорлик, рақс, сураткашлик, тўқиш, каштачилик, миллий хунар-мандчилик, чилангарлик, шахсий компьютерда ишлашга ўргатиш

6. Сайёҳлик юришлари давомида экологик тоза доривор усимлик йиғиш, улардан шифобахш қайнатмалар тайёрлашни йўлга қўйиш.

7. Ўқувчилар учун кўرғазмалар куроллар тайёрлаш (минерал ва тоғ жинсларидан).

8. Методик материаллар яратиш, нашр қилиш ва тўғарак раҳбарларига тарқатиш.

9. Хўжаликлар ва ташкилотларда концертлар бериш.

10. Янги йил арафасида маданий хизмат кўрсатиш.

11. Безак бериш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш.

12. Аудио, теле, видео техникасини таъмирлаш.

13. Видео тасвир хизматини ташкил қилиш.

14. Ўқувчилар ва ота-оналар орасида маҳаллий сайёҳлик юришларни ташкил қилиш.

15. Ўқувчи ва фуқароларни соғломлаштириш ва жисмоний ривожлантириш учун: атлетика, гимнастика, аэробика, теннис (стол тенниси), бадминтон бўйича турли секциялар (гуруҳлар) ташкил қилиш.

16. Турли жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ташкил этиш, секция қатнашчиларининг туман, шаҳар, маҳалла, ҳудудий мусобақаларни ташкил этиш.

17. Ўқув муассасасига қарашли спорт иншоотларида (корт, стадион, бассейн, тир, спорт зал, машғулотлар залларида) ўқув муассасаси тренерлари раҳбарлигида пуллик абонементли машғулотлар ўтказиш.

18. Ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқалар учун белгиланган тартибда тасдиқдан ўтказилган методик, дидактик, қўшимча таълим, ахборот-сўровнома типидagi қўлланмаларни ишлаб чиқиш, кўп нусхада кўпайтириш ва тарқатиш.

19. Ҳокимлик томонидан ажратилган ер майдонларида томорқа ва боғлар барпо қилиш; мева, сабзавот, полиз, донли экинлар, кўчат етиштириш.

20. Балиқчилик қуёнчилик, асаларичилик, паррандачилик ва чорвачиликни ташкил қилиш.

21. Етиштирилган қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш ва тайёр товар ҳолатига келтириш.

22. Қурилиш, таъмирлаш ва безак бериш ишларини ташкил қилиш;

23. Ўқув юрти анжомлари ва жиҳозларини: парта, стол, стул, синф доскаси, ўқув кўрғазма қуроллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш.

24. Саноат маҳсулотлари: гилам, гилам паёндоз, бўр, оҳак, уй-рўзғор анжомлари, тикув маҳсулотлари, иккиламчи хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш.

25. Металл парчалари, қоғоз чиқиндиларини йиғиш ҳамда топширишни ташкил қилиш.

26. Ўқувчиларга маиший хизмат кўрсатишни (соч олиш, пойафзал, кийимларни таъмирлаш ва бошқа) ташкил қилиш.

27. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун новвойхона, сомсахона ташкил қилиш.

GIDROTEXNIKA OBYEKTLARIDA VA QISHLOQ XO‘JALIGIDA CHAQMOQ ENERGIYASIDAN FOYDALANISH

B.BUVABEKOV

TIQXMMI talabasi

Ilmiy rahbar: dots. T.Majidov

Maqolani yozishdan ko‘zlangan maqsad; Chaqmoqni o‘rganish, bir yashin jamlangan kuch va quvvatini aniqlash uchun zarur hisob-kitoblarni amalga oshirish, yashinning xususiyatlarini o‘rganish. Bundan tashqari chaqmoq tadqiqotlari tarixi va chaqmoqlarning shakllanishi natijasida yuzaga keladigan jarayonlarni tushuntirish. Shu bilan birgalikda chaqmoq energiyasidan gidrotexnika obyektlarida va qishloq xo‘jaligida foydalanish xaqida fikr va mulohaza yuritish.

Chaqmoq bu ikki xil zaryadlangan bulutlar o‘rtasida ularni birikishi vaqtida yuzaga keladigan uchqundir. Bu uchqunlar birikib katta quvvatni tashkil qiladi. Shuning o‘zi ham chaqmoqni tabiiy elektr manbai ekanligini ko‘rsatadi. Atmosferadagi bu kabi holatlarni tatqiq qilish ko‘plab mamlakatlarda amalga oshirilgan, lekin atmosfera elektr nazariyasiga eng katta hissa qo‘shgan olimlar rossiyalik akademik Mixail Lomonosov va Georg Richman undan tashqari Amerika tadqiqotchisi Benjamin Franklin hisoblanadi.

Chaqmoqning hosil bo‘lishini turli ishorali elektr zaryadlarining o‘zaro ta‘siri asosida tushuntirish mumkin. Bir jism ikkinchi jismga ishqalanganda, elektr zaryadi hosil bo‘lishini bilasiz. Shunga o‘xshash, bulut qatlamlarining bir-biri bilan ishqalanishi natijasida ularning bir qatlami musbat, ikkinchi qatlami manfiy zaryadlanib qoladi. Zaryadlangan bulut to‘plami boshqa bir zaryadlangan bulut to‘plamiga yaqinlashganda ular o‘z elektr maydonlari orqali tasirlashadilar. Musbat va manfiy zaryadlarning bir-biriga tortilishini bilasiz. Turli ishora bilan zaryadlangan bulutlar kuchli zaryadlanganda va ular bir-biri bilan yaqinlashganda, bir bulutdagi manfiy zaryadlar ikkinchi bulutdagi musbat zaryadlar tomon harakat qiladi. Qarama-qarshi ishorali zaryadlarning to‘satdan qo‘shilishi kuchli elektr

uchquni chaqmoq hosil qiladi.[1]

Chaqmoq energiyasidan foydalanish ayniqsa gidrotexnika obyektlarida va qishloq xo‘jaligida katta foyda beradi. Chaqmoqni elektr energiyasiga aylantirish uchun quyidagi hisob kitoblar amalga oshiriladi. Chaqmoqda to‘plangan quvvat quyidagi formula orqali hisoblanadi.

$$P = I * U \quad (1)$$

Chaqmoq oqimidagi to‘k kuchi 10-100 ming amperga etadi, kuchlanish 50 mln voltga yetadi. Hisob-kitoblar uchun quyidagi ma‘lumotlardan foydalaniladi: oqim kuchi - 30 000 A, kuchlanish - 10 000 000 V. Formula (1):

$$P = 30000A * 10000000V = 3 * 10^{11} Vt = 300000000 kVt \quad (2)$$

Bu juda katta raqam. Natija juda ta‘sirli. Lekin chaqmoqning energiyasini qanday saqlab qolish, uni elektr energiyasiga aylantirish va gidrotexnika obyektlariga yoki qishloq xo‘jalik obyektlariga qay tarzda yetkazish mumkin? Hozirgi vaqtda AQSh va Xitoyda chaqmoq energiyasini elektr energiyasiga aylantirishga qaratilgan ishlar olib borilmoqda.

Yashindagi energiyani hisoblash quyidagicha amalga oshadi: Chaqmoqning davomiyligi bir soniyaning mingdan biriga teng, soat ichida 3600 soniya bor. Chaqmoq beradigan energiyani miqdorini aniqlash quyidagicha aniqlash mumkin:

$$E = P * t \quad (3)$$

Biz ma‘lumotlarni (3) formulaga qo‘yamiz:

$$E = (3 * 10^{11} Bm) / (1000 * 3600) \approx 83333,3333 Vt * u = 83,3kVt * u$$

Mumkin bo‘lgan o‘rnatish usuli, yashinni tutib olishi uchun chaqmoq qabul qilgich va energiyani “saqlash” uchun chaqmoq kondensatori hisoblanadi. Nazariyada hamma narsa oddiy. Unday bo‘lsa, nega hozirda bunday qurilmalar yaratilmagan? Bunday holda javoblarga nisbatan savollar ko‘p.

Bunga bir misol keltiramiz:

Chaqmoq qabul qilgich va po'latdan yasalgan o'tkazgich qurilmani bir qismi hisoblanadi. Kondensatorlar parallel ravishda ulanadi, shunday qilib har bir kondensatordagi kuchlanish bir xil bo'ladi. Kondensatorlarga to'la chaqmoqni yo'naltirish uchun siz chaqmoq o'tkazgichlarni qabul qilgichdan pastroqqa joylashtirasiz. Chaqmoq qabul qilgichga urilishi uchun muhitni ionlashtiruvchi lazer o'rnatiladi. Lazer nuri havoni ionlashtiradi, bulutlarga yo'naltirilgan "ionlashtirilgan ustun" hosil qiladi. Chaqmoq qurilmaga urilgandan so'ng, kondensatorlarga kirib, ularni zaryadlaydi. Kondensatorning parchalanishiga olib kelishi mumkin bo'lgan bir nechta bor qayta-qayta chaqmoq urishini oldini olish uchun esa dachchikli kalitni qo'yish tavsiya etiladi.

Kondensatordagi energiyani va kondensator hajmini hisoblaymiz:

$$W=(CU^2)/2 \quad (4)$$

Yashin energiyasi:

$$W=P*t \quad (5)$$

$$W=3*10^{11}Vt*10^{-3}s=3*10^8J$$

Biz kondensator sig'imini (4) ifodadan ajratib olamiz:

$$C=2*W/U^2 \quad (6)$$

$$C=(2*3*10^8J)/(1*10^{14}V)=6*10^{-6}F$$

Ushbu kondensatorni o'lchamini aniqlaymiz:

$$C=(\epsilon*\epsilon_0*S)/d \quad (7)$$

Bu formuladan kondensator plitalarini yuzasini ifodalaymiz:


$$S=C*d/\epsilon*\epsilon_0 \quad (8)$$

Plitalar orasidagi masofa 1 metr bo'lsa va dielektrik suv bo'lsa, quyidagi natijalar olinadi.

$$\epsilon=80, \epsilon_0=8,85*10^{-12} F/m$$

$$S=(4*10^6F*1m)/(80*8,85*10^{-12} F/m)=5649,7m^2$$

Hisob kitoblar natijasiga ko'ra plitalarning o'lchami taxminan 56x100 metr bo'lishi kerak! Hajmi juda katta. Bunday hajimli kondensatorlarni yaratish katta harajatni talab qiladi. Bugungi kunda AQShda chaqmoq fermalarini qurish bo'yicha ishlar olib borilmoqda.[2]



Chaqmoq Chaqmoq tutgich Kondensator

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki aynan chaqmoq energiyasi bu qayta tiklanuvchi energiya manbalar qatoriga kirib, undan foydalanish bugungi kun talabiga aylanmoqda. O'ylab qaralsa samoda qanchadan qancha zaryadlar isrof bo'lib foydasiz ketadi. Bu kabi zaryadlarni bir joyga yig'ib gidrotexnika obyektlarida va qishloq xo'jaligida ishlatish orqali biz katta samaraga erishimiz mumkin.



Foydalanilgan adabiyotlar:



1. Богданов, К.Ю. Молния: больше вопросов, чем ответов // Наука и жизнь. – 2007. - № 2. – С. 19-32.
2. 2013 yil Rossiyada bo'lib o'tgan yoshlar ilmiy konferensiya materiallaridan foydalanildi.

“Traktorchi mashinist” kasbi bo‘yicha 2019 yilning
“Eng yaxshi o‘quv uslubiy majmua”lari ko‘rik tanlovi o‘tkaziladi



Maxsus fan o‘qituvchilari va
ishlab chiqarish ta’limi ustalari
tanlovda ishtirok etishlari mumkin

Tanlovi 3 bosqichda bo‘lib o‘tadi:

1-bosqich – kasb-hunar kollejlari miqyosida;

2-bosqich – hududiy boshqarmalari miqyosida;

3-bosqich – respublika miqyosida.

Respublika bosqichi 2019 yilning 10-20 iyun kunlari o‘tkaziladi

G‘OLIBLARGA



3 686 000 so‘m
+
Televizor



2 764 500 so‘m
+
Televizor



1 840 000 so‘m
+
Televizor

Hududiy boshqarmalar va innovatsion institutga murojaat qiling!

Hurmatli jurnalxonlar!

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyati sizni o‘zaro hamkorlikka taklif etadi.

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg‘or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O‘z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g‘oyalar, metodik tavsiyalar, ilg‘or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo‘lishing!